

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳукукида

**МАМАТҚУЛОВА ДИЛНОЗА РАВШАНОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ИНСОН ВА УНИНГ  
ХАРАКТЕРИГА ОИД МАҚОЛЛАРНИНГ СЕМАНТИКАСИ ВА  
ЛИНГВОСТАТИСТИКАСИ**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Филология магистри даражасини  
олиш учун ёзилган

**Мутахассислик – 5А 120102  
Лингвистика (инглиз тили)**

Иш кўриб чиқилди

Ва ҳимояга тавсия этилди.

Кафедра мудири

Галиева М.Р.

Илмий раҳбар

Филология фанлари доктори

профессор Джусупов М.Д.

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2015йил

**ТОШКЕНТ-2015**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. МАҚОЛЛАР УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ МУАММОСИ СИФАТИДА</b> .....	10
1.1. Мақоллар лингвистик изланишнинг объекти сифатида.....	10
1.2. Мақоллар паремиологик клише сифатида.....	14
1-боб бўйича хулоса.....	17
<b>II БОБ. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ИНСОН ВА УНИНГ ХАРАКТЕРИ ” ГУРУҲИГА ОИД МАҚОЛЛАРНИНГ СЕМАНТИКАСИ</b> .....	19
2.1. Мақоллар – миллий ва умубашарий хоссаларнинг жамланмаси сифатида.....	19
2.2. Инглиз тилларидаги “Инсон ва унинг характери ” гуруҳига оид мақолларнинг семантикаси.....	24
2.3. Ўзбек тилларидаги “Инсон ва унинг характери” гуруҳига оид мақолларнинг” семантикаси.....	34
2.4. Инглиз ва ўзбек тилларида “Инсон ва унинг характери” гуруҳига оид мақоллар классификациясининг ўхшашлиги ва фарқи.....	47
2-боб бўйича хулоса.....	51
<b>III БОБ. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ИНСОН ВА УНИНГ ХАРАКТЕРИ” ГУРУҲИГА ОИД МАҚОЛЛАРНИНГ СТАТИСТИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ</b> .....	53
3.1 Лингвистик статистика: йўналишлари, методлари.....	53
3.2 Инглиз ва ўзбек тилларида “Инсон ва унинг характери” гуруҳига оид мақолларнинг миқдор характеристикаси.....	55
3-боб бўйича хулоса.....	63
<b>УМУМИЙ ХУЛОСА</b> .....	65
Адабиётлар рўхати.....	70
Иловалар.....	83

## КИРИШ

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан сўнг биринчи навбатда жамиятда маънавий ва маданий билимни ривожлантиришга катта аҳамият берилди. Ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш учун Совет тузимида юқолиб кетган миллий кадриятларимизни тиклаш муҳим вазифалардан бири эди. Зеро ота боболаримиздан қолган миллий анъаналардан боҳабар бўлмас эканмиз келажакда олға суришимиз қийин бўлади. Бу ўринда президентимизнинг қуўидаги гапларини келтириб ўтишимиз жоиздир. “Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг йўлида тўртта асосий негизга асосланади”, - дейилган. “ Бу негизлар:

- Умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш ;
- Ватанпарварлик” деб белгилаб қўйилган.

Шу фикрлар давомида: “Халқнинг манавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир ”, Президентимиз И. А. Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари ” деб номланган асарида мустақилликдан сўнги вазифаларни аниқ кўрсатиб берган.(Каримов И. А. Т., “Ўзбекистон” 1998,56-бет).

Шу ўринда айтишимиз мумкинки ёшларимиз манавиятини оширишда уларга ўзлигимизни, узоқ тарихимиз ва бой меросимизни яққол кўрсатиб берувчи халқ оғзаки ижоди билан таништириш муҳим ўрин эгаллайди. Бизга маълумки халқ оғзаки ижоди ўз ичига дostonларни, афсоналарни, мақоллар ва маталларни олади. Ўзбек миллатини ҳар хил кўринишда ифодалаб берадиган халқ оғзаки ижодидан бири бу мақоллар айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Мақолларни ўрганиш ва ўргатиш ёшларимиз манавиятинида ўз миллатига нисбатан ҳурматни, қалбида фахр тушунчасини беради. Шу билан бирга Президентимиз таъкидлаганидек ёшларимиз манавиятини оширишда катта кўприк вазифасини ўтайди.

**Мавзунинг долзарблиги.** Халқимиз турмуш тарзи ифодаланган манбалардан бири сифатида халқ оғзаки ижоди деб қарашимиз мумкин. Мақоллар эса халқ оғзаки ижодининг йирик намунасидир. Мақолларни ўрганишимиз ўз тилимизга нисбатан ҳурматни, уни ёшларимиз онгига сингдириб уларда кадриятларимизга нисбатан фахр туйғусини ривожлантиришга катта ёрдам беради. Шу билан бирга мақолларимизни чет эл мақоллари билан таққослаш уларни ўрганиш ҳам бошқа миллатларга нисбатан ҳурматни ва уларни дунё қарашидан боҳабар бўлишимизга катта туртки бўлади.

Ушбу десертация ишимда мақолларни тилшуносликда қандай ўринга эга ва қайси тилшунос олимлар мақоллар юзасидан иш олиб боргани шу билан бирга мақолларни семантикаси, ўзбек ва инглиз тиллардаги мақоллар ўхшашлиги ва фарқлари улардаги миллий ва умумбашарий хуссиятлари таҳлил қилинади. Шу билан бирга ўзбек ва инглиз тиллардаги инсон ва унинг характериға оид мақолларни лингвостатистикаси фоизларда аниқланади. Бундай икки тил яъни инглиз ва ўзбек тиллардаги инсон ва унинг характериға оид мақолларни таққослаб унинг лингвостатистикадаги фарқи ва ўхшашликлари аниқланмаган ва тадқиқ қилинмаган.

### **Муаммони ўрганганлик даражаси.**

**Тадқиқот мақсади:** Инсон ва унинг характери мавзусига оид ўзбек ва инглиз мақолларини семантикаси ва лингвостатистик таҳлили.

### **Тадқиқот вазифалари:**

1. «Инсон ва унинг характери» мавзусидаги мақолларнинг инглиз ва узбек тилларида ифодаланган маданиятлараро аҳамияти ва шу икки тилга мансуб бўлган умумий ўзига хос томонларини аниқлаш.
2. Инглиз ва ўзбек тиллардаги «Инсон ва унинг характери» мақолларини семантик жиҳатларини, фразеологик ва паремиологик воситаларининг таҳлили асосида аниқлаб, уларни тасниф қилиш ва қиёслаш.
3. Инглиз ва узбек тиллари тилшунослари тафаккурида ўрганилаётган мақолларнинг ассоциатив эксперимент ёрдамида миллий – маданий

хусусиятларини аниқлаш ва «Инсон ва унинг характери» га оид мақолларни фоизларда аниқлаш.

**Тадқиқот объекти:** Инглиз ва ўзбек тилларидаги «Инсон ва унинг характери» мавзусига оид мақоллар.

**Тадқиқот предмети:** Инглиз ва ўзбек тилларидаги «Инсон ва унинг характери» мавзусига оид мақолларни семантик ва лингвостатистик аниқлаб мақолларни умумий ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг методологик асоси ва усуллари.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовни назарий асарлари, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш» ҳамда фан, таълим –тарбия соҳасига доир қарорлар тадқиқотимизнинг бош методологик асосини ташкил этади. С.Ж. Лйон, Н. Р. Норрик, Ф.Р. Палмер, В. И. Дал, В. Миедер, Г.Л Пермяков, М.Д. Джусупов. А.В. Кунин. А. Дундес, Л.В. Шерба, В.М. Мокиенко ва бошқа олимларнинг фразеология, паремиология ва лингвомаданиятшуносликка доир асарлари диссертацияни тайрлашда муҳим рол ўйнади.

Олдимизга қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун қиёсий метод, статистик таҳлил методи каби анъанавий тадқиқ қилиш методларидан ташқари, замонавий тилшуносликдаги янги методларидан фойдаланилди, яъни: ўрганилаётган инсон тўғрисидаги мақолларнинг миллий-маданий хусусиятларини маданиятлараро таҳлил ёрдамида аниқлаш.

**Тадқиқот манбаи** сифатида инсон характери ифодаланган мақоллардан фойдаланилди. Бу инглиз ва ўзбек тилларидаги мақоллар тўғрисидаги фразеологик мақоллар луғати, бадий ва оммабоп матнлар ҳамда интернет сайтлардаги материаллар асосида танлаб олинади: Oxford Concise Dictionary of Proverbs (Oxford university press,2003), Тўра Мирзаев Ўзбек халқ мақоллари (Шарқ, 2012), В. Меидер, Twisted Wisdom Modern Anti- Proverbs (University of Vermont,1999), Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғати турк” асари, Гулҳанийнинг Зарбулмасал асари.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, тадқиқот натижалари қиёсий тилшунослик, замонавий тилшуносликнинг долзарб йўналишлари бўлган фразеология, паремиология, лингвостатистикаси ва лингвомаданиятшуносликдаги назария ва методлар асосида тадқиқ қилинди ва ушбу йўналишларнинг ривожланишига ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасаларида умумий ва қиёсий тилшунослик, фразеология, стилистика, лингвомаданиятшунослик каби курсларнинг маъруза ва семинар машғулотларида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ўқув дарсликлар ва қўлланмалар яратишда, малакавий битирув ишлари ва магистрлик диссертациялари ёзишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши натижалари Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари ва тадқиқотнинг асосий мазмуни республикада ўтказилган илмий ва амалий анжуманлар материаллари ва тезислар тўпламларида чоп этилган. Дессиртация натижалари “Филология и современность” илмий тўпламида (“Мериюс” Ташкент, 2013), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бўлиб ўтган талабалар илмий-амалий анжумани (Тошкент, 2014).

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Асосий матн 71 бетдан ташкил топган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 132 манбадан иборат.

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсади, вазифалари, методлари, объекти ва предмети, ҳимояга олиб чиқилган ҳолатларда батафсил ёритилиб, илмий ишдан кутилаётган илмий янгиликлар ҳамда ишнинг назарий ва амалий аҳамияти изоҳланган. Ишнинг биринчи боби “Мақоллар умумий ва қиёсий тилшуносликнинг муаммоси сифатида” деб номланиб унда фразеология ва паремиологиядаги асосий

масалалари, мақоллар устида амалга оширилган изланишлар ва муаммолар ёритилган. Мақоллар лингвистик изланишнинг объекти сифатида бўлимида мақолларнинг мақолшунос олимлар томонидан ўрганилгани, мақолларнинг миллий маданият ва тил ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги мақолларнинг қакондан бошланиб ўрганилгани ва мақолларнинг ўрганиш мақсади нима эканлиги ёритилди. Бунда С.Ж. Лйон, Н. Р. Норрик, Ф.Р. Палмер, В. И. Дал, В. Миедер, Г.Л. Пермяков, А.В. Кунин, А. Дундес, Л.В. Шерба ларнинг мақоллар тўғрисидаги нуқтаи назарлари ўрганилди. Мақоллар паремиологиянинг бир қисми сифатида бўлимида мақолларнинг хусусияти уларнинг паремиянинг бир қисми сифатида ўрганилишинг аҳамияти, паремиянинг инглиз ва ўзбек лингвистлари томонидан ўрганилиши, икки тилда ҳам мақолларнинг денататив ва канататив маънолари эга эканлиги аниқланиб мисоллар билан тушинтирилиб берилди.

**Боб II “Инглиз ва ўзбек тилидаги «Инсон ва унинг характери» тўғрисидаги мақолларнинг семантикаси”** бўлимида мақолларнинг мазмуни ва икки тилларда (инглиз ва ўзбек) мақолларнинг таҳлили ва лингвокултурологик хусусиятларини мақолларда акс эттирилиши ифодаланган. Мақолларнинг синонимик ва антономик хусусиятлари ва айнан инсонни характерини тасвирловчи мақоллар орасидаги ўзаро ўхшаш ва қарама қарши маънодаги мақолларнинг икки тилда таҳлил қилинди ва махсус жадвал тарзда кўрсатиб берилди. Мақолларнинг миллий ва умуминсоний ўхшашликлари бўлимида мақолларнинг лингвокултурологик хусусияти ҳақида маълумот берилган. Мақоллар миллий маданиятнинг асосий бирлиги ҳисобланиб, унинг таркибига уни шундай бирлик деб ҳисоблашга асос бўладиган белгилар, яъни мақоллар этимологияси, мақолларнинг ривожланиш тарихи, замонавий кўринишлари, унга муносабат ифодаланган. Шу билан бирга инглиз тилидаги мақолларнинг ўзига хос хусусияти тасвирланган. Мақолшунос Лйоннинг берилган классификацияси бўйича 7 хил мақолнинг маъно турлари таҳлил қилинди. Инглиз тилида инсон характери тўғрисидаги мақолларда инглиз халқининг маданияти ва жамият ўртасидаги ўзаро

алоқадорлик таҳлил қилинган. Ўзбек тилидаги “Инсон ва унинг характери” тўғрисидаги мақолларнинг семантикаси бўлимида ўзбек миллатининг минталитети ва дунёқараши мақолларда қай тарзда ифодаланганлиги кўрсатилган. Мақолларнинг синонимик ва антонимик хусусиятлари кўрсатилиб уларни маънолари мисоллар билан ифодалаб берилди. Инглиз ва ўзбек тиллардаги “Инсон ва унинг характери” мақолларининг ўхшашликлари ва фарқи бўлимида мақолларнинг маданиятшунослик жиҳатдан ўрганиш учун бирор тилда сўзлашувчи миллат маданияти ва тили ўртасидаги умумий ва ўзига хос бўлган хусусиятларни аниқлаш борасидаги қарашлар таҳлил қилинган. Мақоллар ҳар бир миллат ўз дунёқараши ва минталитетини мисоллар билан изоҳ берилган.

**III Боб. Инглиз ва ўзбек тилларидаги “Инсон ва унинг характери” гуруҳига оид мақолларнинг статистик характеристикаси** бобида тилшуносликдаги янгича метод яъни математик ҳисоблаш методи ҳисобланган статистик методи устида олиб борилган лингвистик изланишлар ва турли хил олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари таҳлил қилинди. Бобнинг биринчи бўлимида тилшуносликка биринчи марта статистик методларни қачон кириб келганлигини, унинг ривожланиш тарихи, йўналишлари, эришилган ютқлари ҳақида маълумот берилди. Ҳар бир тилшнос олимларнинг қилган ишлари таҳлил қилиниб, ўргаиб чиқилди. Айниқса бу соҳада кўп иш олиб борган тилшунос олим ҳисобланган тилшуносликда статистик методнинг ўрганилишига биринчи қадамни қўйган Америкалик олим Г. Зипф ишлари кўриб чиқилди. Унинг «Инсон тарбияси ва кам таъсир этувчи тамойиллари» (1949) (3, 263) деб номланган китобида кўрсатиб ўтилган статистик метод ҳақида гап борган. Унда сўзнинг турли хил маънолар миқдори ва воқеаларнинг кетма-кетлиги ўртасида тўғридан тўғри боғлиқлик борлигини тадқиқот давомида кўрсатиб берилган. Бобнинг иккинчи бўлимида ўрганилган статистик метод асосида инглиз ва ўзбек тилларидаги инсон ва унинг характериға оид мақоллар турли хил мамавзуларда тўпланиб уларнинг миқдори аниқлаб жадвал кўринишида



тасвирланди. Бу жадвал 6 та бўлиб унда инсон ва унинг характериға оид мақоллар бутун луғат материалидаги мақоллар ҳисобига ва тўпланган мақолларнинг умумий ҳисобидаги сон ва фоизлари аниқланиб жадвалларга жойлаштирилиб тасвирланди.

Шунингдек диссертация барча бобларни хулосаловчи умумий хулосадан, илова ва фойдаланилган адабиётдан ташкил топган.

# I БОБ. МАҚОЛЛАР УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ МУАММОСИ СИФАТИДА

## 1.1 Мақоллар тилшуносликнинг объекти сифатида.

Маълумки, тил инсоннинг ўз ҳаётида тўплаган тажрибаларини ифода этади. Бу ҳаётининг тажрибалар ҳар бир халқнинг ҳатти ҳаракатларида, тилида ва ҳикматли сўзларида акс этиб, улар маълум бир маданиятни, халқни ўзига хос характерини ҳам кўрсатади. Бу ҳикматли сўзларининг авлоддан авлодга ўтиб келишида мақолларнинг ўрни беқиёс. Мақоллар кичик ҳажмли, маълум бир халқнинг турмуш тарзини ифодаловчи ҳикматли сўзлар жамланмасидир. Мақоллар бошқа жанрлардан фарқли ўларок, улар таркибида барча мавзудаги ибратли ибораларни шунингдек диний, оилавий, ижтимоий ва тарбиявий мақолларни учратиш мумкин. Мақолларнинг замирида донолик акс этади, шунинг учун ҳам халқимиз ибратли сўзлар акс этмаган мақолларни оёқсиз танага ўхшатишган.

Америка Қўшма Штатларининг машҳур олими Вольфганг Мидер мақоллар ҳақида 50 дан ортиқ китоб чоп этган ва бу илмий асарлар бошқа тилшунослар учун қўлланма бўлиб келган. В. Мидер ўз тадқиқотларида XVI ва XVII асрлар мақоллар ўрганишининг олтин даври деб қарайди, чунки бунда мақолларнинг йирик тўпламларини жамлашда тилшунослар А.А Крикманн ва Г. Вилсон каби тилшунослар иштирок этишган. В. Мидер ўз китобида мақолларга қуйидагича таъриф беради: «Мақол – қисқа, халқнинг донолиги ва миллий қарашлари метафорик жиҳатдан тасвирланган, эса тез сақланадиган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган ҳикматли сўзлардир» [б.119]. Олим яна шуни қўшимча қиладики, мақоллар барча халқларда мавжуддир, лекин баъзи бир халқлар ижодида мақолларнинг сони кўп фоизни ташкил этади, бунга мисол тариқасида Ғарбий Африка халқлари оғзаки ижодида Американинг шимолий ва жанубий қисмида яшовчи аҳолиниқига қараганда мақоллар кўпроқ ишлатилади. Бундан ташқари мақоллар бир бирига қардош халқлар ва маданиятлар ўртасида сайқалланади,

чунки уларнинг яратилиши умумий бир манбаага бориб тақалади. Масалан, Европа халқларидаги кўпгина мақоллар Библия ва лотин тилида ёзилган адабиётларга асосланиб яратилган [б.119].

Мақол ва маталларнинг йирик тўпламларини йиғиш XIX асрнинг 20-йилларида XX аср ўрталаригача давом этган. Шу қаторда мақолларнинг йирик тўплами машҳур тилшунос В.И. Даль томонидан чоп этилган. Бу тўплагга 30 мингдан ортиқ мақол ва маталлар киритилиб, у ўзида деҳқонлар, хунармандлар, жангчилар ҳақида ибораларни ўзида жамлаган. Бу тўплаг 1861-1862-йилларда чоп этилган [197, б.9].

Мақоллар ҳақидаги назария биринчи бўлиб Г.Л Пермяков томонидан ишлаб чиқилган. Унинг «Маталдан эртақгача » деб номланган асарида мақолларни лисоний жиҳатдан таҳлил этганда паремияга мантиқий-семантик ёндашув лозимлигини таъкидлаган [130].

Мақолларга нисбатан бошқа олимлар ҳам ўзларининг фикрларини бериб ўтганлар. Айниқса, мақолларнинг маъновий структураси А. Дандис, М.А. Черкасский, Матти Кууси, Г.Л. Пермяковнинг ишларида тўлалигича баён этилган. (А. Дандис [49], М.А. Черкасский [170], Матти Кууси [93], Г.Л. Пермяков [130,131,132]). Шулардан бири америкалик тилшунос А. Дандес тил босқичларига 7 хил таъриф берган. Унинг фикрича мақоллар:

- 1) Содда ва мураккаб гап шаклларига эга.
- 2) Маъноси берилган матнга боғлиқ бўлмайди.
- 3) Афторга эга эмас.
- 4) Мақоллар катта масалаларнинг қисқача ечимидир.
- 5) Инсонларнинг барча ҳаётий тажрибасининг аксидир.
- 6) Маълум бир таълим ва тарбия тушунчаларини кенг ёйиб курсатади.
- 7)Қискалик , ихчамлик ва метафорик характерга эга. Бу таърифлар мақолларнинг хусусиятларини хар томонлама очиб берган [б.51].

В. И. Дальнинг фикрича, мақоллар икки қисмдан иборат,

- 1) Сурат қисми
- 2)Таҳлил қисми

Сурат қисмида мунозаралар ифодаланади ва изоҳлар билан тўлдирилади, иккинчи қисмида эса тингловчиларнинг заковати ва шу мунозараларнинг идрок этиш ҳолати берилади [б.128].

XX асрда мақоллар йирик бадий асарларда ҳам ўрин олди. Ёзувчилар ўз асарларида халқ мақолларини кўп қўллаган, чунки бу иборалар ҳар қандай назарий мунозараларни қисқа қилиб ечим орқали яқунлашга имкон беради.

Ҳар бир халқ ўз мақол ва маталларига эга бўлиб, улар бошқа тилларда ўз эквивалентга эга бўлиши мумкин. Тилшуносликда «сузларнинг эквиваленти» атамасини дастлаб Л.В. Щерба олиб кирган. Олимнинг фикрига кўра, сузлар бирикмаларда бир хил маънони англатсада бир бирига яширин равишда эквивалент бўлиши ҳам мумкин [б.19].

Г. Буфени мақолларнинг ҳаммаси ҳақиқатга яқин булиши мумкин эмас, кўпгина мақоллар борки, улар бир бирига қарама-қарши маънони билдиради, деб таъкидлайди. Олимнинг изланишлари шуни кўрсатдики, мақоллар таркибидаги сўзларнинг қўлланишига кўра, мақоллар маълум вазиятда тўлалигича мос булиб бошқа ҳолатда шу фикр ўзаро қарама-қарши маънони англатиши мумкин. Бундан ташқари Г. Буфени таъкидлайдики, «Мақоллар тўпламлар ичида қарама-қарши маънони билдиради, аммо ижтимоий муҳитда улар жонли тилдаги каби мавжуд, ва уларнинг маъноси аниқ бир ижтимоий ҳодисада аниқланади» [б.173].

Охириги йилларда олимларнинг мақоллардаги ўзгаришларга нисбатан муносабати кескин ўзгарди ва бу anti-proverb (мақолларга қарши) деб ном олди. В. Мидернинг тадқиқотларига кўра, анъанавий мақолларнинг турли хил шакллари вужудга келяпти, чунки инсонларнинг эски мақолларни тушиниши оғирлашяпти ва шу сабабли ҳам мақоллар қарама-қарши маъноларни англатиб келмоқда. Аммо семантик ва грамматик хусусияти сақланиб қолиб, уларнинг эквивалентлари вужудга келади. Анъанавий мақоллардан анти-мақолларнинг яратилишининг асосий сабабидан бири, анти-мақолларнинг тингловчилар томонидан тез ва осон эслаб қолишидир.

Масалан “Old soldiers never die, they just fade away,”(қари аскарлар ўлмайди улар фақат ишдан кетишади) “Old taxes never die, they just change their names”.(такси ҳайдовчилари ўлмайдилар улар фақат исмларини ўзгартиришади). Бу мақолда ‘soldiers’, яъни ‘аскар’ сўзи замонавий ҳаётда ўз кулланишини йукотганлиги сабабли ҳозирда кенг фойдаланиладиган ‘такси’ сузи билан алмаштирилган. Бундай анти-мақолларнинг вужудга келиши ХХ асрда кучайди. [б.102]

В. Мидер 1999-йилда Вермонт штатининг Вермонт институтида ишлаб чиққан ўзининг “Twisted wisdom, Modern Anti-Proverbs” деб номланган асари орқали миллий ва замонавий мақолларни жамлаган ягона мақоллар тўпламини яратди. Бунгача у Германияда шунга ўхшаш немис тилида мақоллар тўпламларини чоп эттириб турган. Тилшунослар В. Мидернинг тўпламининг тилига инновация таъсир этганлигини ва бундай тўпламни аввал ҳеч ким томонидан яратишга ўриниб кўрилмаганлигини таъкидлашади. Бу ҳолат миллий ва этник маданиятларнинг зич муносабатда эканлигини кўрсатади. Мақолларнинг янги шакллариининг ҳосил булиши тилнинг демократлашиши натижасида вужудга келган булиб, ХХ аср охири ва ХХІ аср бошларида тилда вужудга келган ўзгаришларга асосий сабаб жамиятда инсонларнинг кўз қарашларини ўзгарганлигидадир. Энди эса инсонларни бирлаштириш учун узун гаплар эмас, кенг маънога эга мақолларга мурожаат қилина бошланди. Шу сабабли мақолларнинг замонавий курунишлари вужудга кела бошлади [б.115].

В.М.Мокеинкнинг фикрича, ҳозир мақоллардаги сўзларни замонавий сўзлар билан алмаштириш амалга ошмоқда. Бу иборалар охирги йилларда яратилган ва ўтмишда мавжуд бўлмаган паремияга тегишли булиб, реал ҳаётга мослаштирилган ва уйлаб топилган сунъий мақоллардир [б.167].

## 1.2 Мақоллар парамеиологик ибораларнинг бир тури сифатида.

Нутқнинг таъсирчанлигини оширувчи омиллардан бири тилда мавжуд паремеиологик бирлик (фразеологизм, мақол, матал, ҳикматли сўз) лардан ўз ўрнида ва унумли фойдаланишдир. Нутққа тайёр ҳолда олиб кирилувчи паремеиологик бирликларни тўплаш жуда қадимий тарихга эга. Маҳмуд Қошғарий XI асрдаёқ туркий халқларнинг ҳикматли ибораларидан 400 га яқинини “Девон”га киритиб, уларнинг қандай ҳолатда, қайси мазмунда қўлланишини араб тилида изоҳлаган. Шулардан 250 дан ортиқроғи мазмун жиҳатидан ҳам, шакли жиҳатидан ҳам ҳозирги ўзбек тилида бугунгидек янграб турибди. (Бердиёров Х., Расулов Р., Ўзбек тилининг паремеиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 13) Алишер Навоий ўзининг “Тарихи мулуки Ажам” (Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Ўн тўртинчи том. – Тошкент, 1967) асарида ҳам туркий тилда мавжуд паремеиологик бирликлардан унумли фойдаланган.

Ўзбек халқининг оғзаки ижоди бойишига катта ҳисса қўшган бобомиз М.Қошғарийнинг «Девону луғоти турк» асари ниҳоятда бой ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу асарнинг катта қисмини ташкил этадиган мақоллар ўзининг таркибига турли мавзунини ўз ичига олганлиги ва уларда ифодаланган фикрнинг маънога эгаллиги, тушунарли, қисқа эканлиги билан эътиборлидир.

Мақоллар инсон турмуш тарзини ифода этиб, оғзаки ижодимизнинг энг кичик жанрларидан ҳисобланади. Бундай кичик жанрларни паремия деб ҳам аташ мумкин. Мақолларни илмий ўрганувчи **бўлим** лингвистикада паремеиология деб аталади. Парамеиология грек тилидан олинган, (пароимия) «бирламчи» ёки «оддий» оғзаки маданиятнинг сўзлашув формаси бўлиб, у алоҳида фан сифатида ажратилмаган. Паремеиология 3 та асосий масала билан шуғилланади: жанрлар дифиницияси, материаллар тўплами ва уларни классификацияси. Бошқа тиллардаги мақолларни маъноларини ва гапдаги функциясини билиш учун фақатгина уларни таржимасини билиш етарли

эмас. Шу сабабдан ҳам тилшунос олимлар томонидан кўпгина изланишлар амалга оширилиб мақолларни ҳар томонлама маъноларини тушиниб етиш йўлга қўйилди. Шундай лингвистлардан бири Барбара Гимблет мақолларни ўрганишда прагматик ёндашув муҳим ўрин тутишини таъкидлайди. Унинг фикрича мақолларни тўлиқ маъносини тушуниш учун маълум бир контекст зарур бўлиб, ўқувчи мақолнинг гапдаги қўлланиш маъносига эътиборини қаратиш керак. Лингвистикадаги бундай прагматик-семанантик ёндашув мақолларни функциясини ҳар томонлама тушунишга ёрдам берди. Бунга сабаб мақолларни маъноси билан кантекстдаги берилган маъноси бир ҳил маъноларни англатмайди. Эстония лингвисти Арво Крикман фикрича мақолларнинг семантикасини аниқлашда мақоллар кўриниши, вазифаси, прагматикаси фойдаланилган вазияти ва танланган тил энг муҳим факторлар ҳисобланади.

Рус тилшуносларидан бири М. А. Черкасский мақолларнинг аналитик методига мурожат қилиб, у мақолларни супралингвистик – семиотиканинг энг кичик бирлиги деб қарайди. Мақолларни парадигма сифатида маданий хусусиятини тушиниб етиш керак. Албатта, баъзи мақоллар ўзини денататив маъноси ва кўчма маъноларига эга, бундай фарқларни тушиниб етиш учун ўша тил маданиятинидан хабардор бўлиши керак. Қуйидаги мақол бунга мисол бўла олади; «Don't put all your EGGS in one basket» (барча тухумларини 1 та саватга солма), бу мақол маълум бир вазиятни билдириб келади. Фақатгина кўчма маънода ишлатилганида мақол вазифасини бажаради ва қуйидаги маънони англатади «беш бармоғинги оғзинга солма». Бундай икки маънога эга мақоллар ўзбек мақолларида ҳам мавжуд. «Шамол бўлмаса дарахтни учи қимирламайди» бу мақолни ўз маъносида ва кўчма маъносида ҳам ишлатсак бўлади. Берилаётган мақолларни денататив маъносидан ҳам мазмунини чиқариш мумкин ва мақолларни канататив маноси муҳим ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдики, парамеологиянинг энг муҳим хусусиятларидан бири ўша тил маданиятини ва менталитидаги

қарашларини билиш муҳим, чунки ўз қарашларимиз билан ўлчасак мақолни тушунишимизда ҳатоликка йўл қўйамиз.

М.Садриддинованинг ишида ўзбек мақол ва маталларининг луғавий хусусиятлари, яъни мақол ва маталлар лексикаси, бир томондан, ўзбек адабий тили лексикаси билан, иккинчи томондан эса лаҳжа ва шевалар лексикаси билан қиёсий ўрганилди. Мақоллардаги луғатларни фақатгина адабий тил юзасидан эмас балки шевалар лексикаси билан ўрганиш шуниси билан аҳамиятлики мақолларни бир хил маъно англатадиган турли хил вариантлари борлигини аниқлаш ва маълум бир ҳудуд бўйлаб уларни фойдаланиш статистикасини кўрсатиб беради. Баъзи мақоллар ҳар хил ҳудудда ишлатилганлиги сабабли мақол лексемалари ёки иборалари тушунарсиз бўлиши мумкин ва мақолларни шевалар доирасида ўрганганда уни маъноси таҳлил қилиниши ва бошқа ҳудудларга тушинарли вариантларини ҳам келтириб ўтиш имкониятини беради.

Яхши ҳамсоя гулдир

Ёмон ҳамсоя чўлдир

Берилган мақолда «ҳамсоя» сўзи адабий нутқимизда деярли ишлатилмасдан бу сўз ўрнида «қўшни» сўзи фойдаланилади. Бу мақол воҳа ҳудудида кўп ишлатилади ва улар шевасидаги сўз сифатида қаралади. Бироқ уни фақатгина воҳа ҳудудида эмас барча шеваларга тушунарли бўлиши учун «ҳамсоя» сўзи ўрнига «қўшни» сўзи фойдаланиши ҳам мумкин .

Яхши қўшни гўл

Ёмон қўшни чўл

Бунда мақолларнинг кўп вариантларга эгаллиги мақолларнинг шеваларда ҳам қўлланиши билан изоҳласак бўлади ва бу мақолларнинг бойишига сабаб бўлувчи омиллардан бири деб ҳисоблаш мумкин.



## Хулоса

Мақоллар инсон турмуш тарзини ифодалаган оғзаки ижоднинг энг йирик манбалардан бири ҳисобланиб уни тилшунослар томонидан ўрганилиши мақолларнинг ҳар томонлама хусусиятларини янада очиб беришга ёрдам беради. Мақоллар ўзбек ва инглиз тилларда турли хил мавзуларда учрайди ва унинг барча хусусиятлари икки тил вакиллари томонидан бирдек қизиқиш билан ўрганилиб келинмоқда. Мақолларнинг чуқур ўрганилиши паремиологияни ривожланиши ва унинг келажакда янада мукаммал тилшуносликнинг бир бўлими сифатида қаралишига катта йўл очиб беради. Шунингдек, мақоллар тарихий кенг ривожланишга эга паремиологияни бир бўлими эканлигини қуйидаги мисоллар ҳам кўрсатиши мумкин. Америка тилшуноси В. И. Даль мақоллар тўплашда энг яхши кўрсаткични кўрсатган, яъни 30 мингдан ортиқ инглиз мақол ва маталларини ўз китобида тўплаган бўлса ўзбек мақолларининг энг йирик тўплами мақолшунос Тўра Мирзаев томонидан тўплаганлиги мақоллар бир тўпламга жамланиб мақоллар устида иш олиб бориш учун ёш мақолшунослар учун яхши қўлланма бўлиб келади. Бундан ташқари мақоллар тилшуносликнинг объекти сифатида ўрганилиши ҳар хил миллат тилшуносларни бир бири билан қилинган илмий изланишларини таҳлил қилишлари мақолларни ҳар томонлама ривожланишига кўмаклашади. Мақол ҳар бир миллат ўтмишини, турмуш тарзини ифода этиб, уни фақат тарихий босқичларини ўрганиш уни ривожланишига ҳалақит бериши мумкин. Америкалик тилшунос В. Мидер яратган мақолларнинг янги кўринишидаги луғати энг йирик замонавий мақоллар тўплами ҳисобланаркан бу ёш авлод учун ва илмий ишлар учун қўл келувчи манба ролини ўтайди.

Мақолларни прагматик жиҳатдан ўрганилиши маълум бир миллатнинг минталитети ва жамиятдаги халқнинг турмуш тарзини нақадар мақолларда кучли акс этишини кўрсатишга ёрдам беради ва мақолларни яратишда ўша халқ жамияти асосий манба бўлишини кўрсатади. Мақолларнинг прагматик

жихатини таҳлил қилган тилшунос олимлар Арво Крикман ва Барбара Гимблет прагматика мақолларни семантик таҳлил қилинишда ижтимоий муҳитни таъсири ката эканлигини кўрсатиб беришди.

Мақолларнинг таҳлилида шеваларнинг ўрни ҳам алоҳида эътиборга эга. Ўзбек тилшуноси М. Садриддинов ўзбек мақолларини лаҳжа ва шевалар жихатдан ўрганди ва улар паремиологияга қандай аҳамиятли эканлигини айтиб ўтган. Шеваларни мақолларда кўрсатиш уларни синонимик жихатларини, халқнинг турли хил сўзлардан нима сабабдан фойдаланиши ва нега адабий нутқда фойдаланилмаслик сабаблари таҳлил қилинади.

Мақоллар макон ва замон ўзгариши натижасида фойдаланишдан тўхташи мумкин ва бундай мақоллар жамиятдаги қонун қоидаларга мос келмаслиги натижасида йўқолиб боряпти ва улар ўрнини жамиятнинг янги муҳитига мос равишда мақоллар яратилишига олиб келади. Тилшуносларнинг мақоллар устида доимий иш олиб бориши мақоллардаги ўзгаришларни, уларни жамиятдаги таъсирини таҳлил қилишга катта кўмак бўлади. Мақолшунослар томонидан мақоллар ҳақидаги назария мақолларни ҳар томонлама тушинишимизга ва барча халқлар мақолларини бир қолиб асосида ўхшашликлари ва фарқлари билан таҳлил қилишга ёрдам беради.

Шуни қўшимча қилиш мумкинки, мақоллар тилшунослик фани объекти сифатида ўрганилиб, кўпгина олимларни илмий қизиқишига олиб келинаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Мақоллар халқ маънавиятининг акси сифатида намоён булади ва авлоддан авлодга оғзаки ва ёзма тарзда ўтиб келади. Бу эса келгусида кўплаб илмий тадқиқотларга асос бўлади ва уларни ўрганиш тилшуносликни янги ютуқларга олиб келади.

## II БОБ. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ИНСОН ВА УНИНГ ХАРАКТЕРИ” ГУРУҲИГА ОИД МАҚОЛЛАРНИНГ СЕМАНТИКАСИ

### 2.1. Мақоллар – миллий ва умубашарий хоссаларнинг жамланмаси

Мақоллар ҳар бир халқнинг ўзига хос турмуш тарзини ифода этиб у халқнинг “коди” ҳисобланади. Қандай образлар ишлатилиши, айтиб берилган баҳо бериши менталитетдан келиб чиқади ва бу ҳар бир халқ мақолларида турлича акс этади. Бундай мақолларни бир ўқишдаёқ тушуниш қийин чунки бунинг учун албатта ўша халқ турмуш тарзидан хабардор бўлиш муҳимдир. Мақолларни барча тилларда турлича ифодаланиши уларнинг ҳар хил дин вакиллари эканликлари, географик жойлашиши турличалиги, тарихий жараёнлари турлича бўлиши билан тафсилланади.

Мақолшунос олимлар томонидан узоқ йиллардан бери мақоллар миллий хусусиятга эгами, улар маълум бир халқни турмуш тарзини ифодаладими йўқми деган фикрлар кўп йиллардан бери долзарб муаммо сифатида қаралиб келинмоқда.

Мақолларни ўқшашлик ва фарқларини билиш учун ижтимоий муҳитни ҳам ҳисобга олиш зарурдир. Шу билан бирга халқнинг минталетитини ва жамиятда қайси бир ижтимоий гуруҳ ката миқдорни ташкил топиши ҳам муҳим ҳисобланади. Барча халқларнинг мақолларига кўз ташлар эканмиз барча мавзуларда тенг миқдорда берилган мақолларни учратмаймиз, чунки ўша халқ минталетитида қайсидир мавзу турмуш тарзида муҳим аҳамият касб этади, бошқа бир мавзу кам эътиборга эга. Мисол учун Африка давлатлари дала даштлар, чўл ва ўрмондан ташкил топганлиги ва туб аҳоли дала ишлари билан кун кечирганлиги сабабли уларда бу мавзудаги мақолларни кўп учратиш мумкин.

Don't call the forest that shelters you a jungle. (Сенга бошпана берувчи чакалакзорни ўрмон деб атама). Сенга ғамхўрлик қиладиган кишига нисбатан ёмон муносабатда бўлма.

Марказий Осиё давлатларида оиланинг, кўни-кўшничилик ва қариндош-уруғчиликни ўрни юқори бўлганлиги сабабли бу мавзулардаги мақоллар кўп миқдорда қўлланилади.

Оналик уйнинг ори бор

Оталик уйнинг зари (Ўзбек халқ мақоллари, б 252)

Яхши кўшни – ота она

Ёмон кўшни – бошга бало (Ўзбек халқ мақоллари, б 259)

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки мақол шуниси билан қимматлики у маълум бир жамиятда шахснинг ривожланишига ката ҳисса қўшади. Мақоллардаги донолик ҳамма мамлакатларда ҳам бир ҳил маъноларни англатадими ёки қўлланишда қанақадир фарқ борми буни баъзи бир мақоллар мисолида кўришимиз мумкин. Мақоллар борки улар тузилиши жиҳатидан ҳам ишлатилаётган лексема жиҳатидан ҳам бир ҳил бўлсада улар иккита бошқа миллатларда турлича изоҳланади.

Where there is a will, there is a way (қайердаги хоҳиш бўлса ўша ерда йўл очилади.)

Бу мақол инглиз тилидаги мақол ҳисобланиб бу мақол ҳудди шу кўринишда Шарқий Африка мамлакатларида ҳам учрайди (Iwaro nia, kuna njia). Бирок уларнинг икки тилда икки ҳил изоҳи мавжуд. Инглизларда бу мақолни ижобий маъно англатади, яъни йўлини йўқотган инсонни руҳан қўллаб қувватлаш учун ҳали умид бор бирор нарсани истаса ҳалиям йўлида давом этиши мумкинлигини билдиради. Ҳудди шу мақолни Шарқий Африка давлатлари салбий маънода изоҳлашади. Уларнинг изоҳича инсон қанақадир ишни эплолмадими демак йўли беркилганига сабаб уни қилган ишига нисбатан хоҳиши бўлмаганли билан изоҳланади, “Where there is a will, there

is a way; where there is no will, there is no way” яъни қаердаки хоҳиш бўлса йўл очилади, хоҳиш бўлмаса йўл ҳам бўлмайди.

Баъзи бир мақолшунос олимлар фикрига кўра мақоллар миллий кадриятларни ифодаламайди. Ватер Граунберг мақоллар инсоннинг кўп тажрибаларини натижасида келиб чиқиб унда маълум бир халқни қарашлари эмас дейди(134).

Шу ўринда Америкалик тилшунос Ричард Женте 199 та америка мақоллар тўпламида атиги 10 та мақоллар Америка Қўшма Штатларида яратилган қолган 189тасида эса бошқа тиллардан кириб келганлигини айтиб ўтиб мақоллар Америка халқлари турмуш тарзидан келиб чиқмаган бўлсада улар халқ томонидан кенг қўлланиб келинаётганлигини таъкидлайди. Бундан шу хулосага келишимиз мумкинки мақоллар маълум бир халқ кечинмаларини эмас, балки барча миллатлар турмуш тарзини ифодалайди.

Бу фикрга қарама-қарши тарзда бошқа тилшунос олимлар ўз фикрларини билдиришган. Мисол келтириб айтишимиз мумкинки баъзи мақолларда фақатгина маълум бир лексема фойдаланилганки фақат ўша миллат халқларигагина танишдир.

Beware of Greeks bearing gifts. (грекларнинг уралган совғасидан огоҳ бўл).

Ушбу мақолда тарихий воқеага бориб тақаладиган ҳодиса берилган бўлиб уни маъносини аниқ тушиниб етишимиз учун қадимги грекларни трояликлар билан бўлган жангини эслаб ўтишимиз керак бўлади. Йиллар давомида Трояни қўлга киритолмаган греклар ҳийла ишлатиб от шаклида катталиги биноча келадиган қилиб таёрлаб уни ичига яширин равишда грек аскарлари жойлаштирилади. Уни Трояга ғалаба совғаси сифатида жўнатишади. Ғалаба нашидасини сураётган Трояликлар уни совға сифатида қабул қилишади. Тунда трояликлар ғалабани нишонлаётиб маст бўлиб қолишади ва вурсатдан фойдаланган греклар от шаклидаги ёғоч қуғирчоқдан бирма бир чиқиб келишади ва трояликларни йиллар давомида қўлга киритолмаган греклар бир

кечада трояликларни аср олишади. Шу тарихий ҳодисадан сўнг от шаклидаги ғочдан қилинган совға инсонга душманлик қилиши мумкин булган инсонни ҳийласи сифатида қаралади. Бу мақоллар греклар учун ёки баъзи бир Европа давлатлари учун таниш бўлиши мумкиндир аммо бу ҳодисани билмаган бошқа миллатлар учун нотаниш бўлиши мумкин.

Мақолларни вужудга келишида манба вазифасида келувчи турли хил жанрлар ҳам мавжуд. Инглиз тилларида мақолларнинг манбаси сифатида қуйидагилар мисол бўлиши мумкин:

### 1. Тарихий воқеалар

All braves lived before Agamemnon (барча ботирлар Агамемнондан олдин яшаган) . Агамемнон Троядаги бўлган жангда барча кучли инсонларни эксплуатацияга олган шахс сифатида тарихда қолган.

### 2. «Библия» китоби

An IDLE brain is the Devil's workshop (ишламаган мия шайтоннинг уясиدير).

### 3. Британия реалияси

MORE people know Tom Fool than Tom Fool knows ( Аҳмоқ Том бошқаларни танигандан кўра уни кўплар танийди). Бизга маълумки Инглиз миллатининг энг кўп учрайдиган исмлардан бири Том бўлиб, бу исм инглизларнинг рамзига айлана бошлаган. Берилган мақолда айнан Том исмини берилиши мақолни қўлловчи ва тингловчи учун ҳам бу исм ҳеч қандай тарихий шахс эмас шунчаки британия реалияси ҳисобланган оддийгина Том исми бола эканлиги аниқ бўлишига ёрдам беради. Узбек ва инглиз тиллардаги мақолларнинг келиб чиқиш тарихи ҳар хил манбалардан олинганлиги сабабли баъзи бир мақолларни тушинишимиз қийин бўлади ва шу ҳолатда мақоллар ўртасида фарқни кузатишимиз мумкин.

Бундан ташқари шундай мақоллар ҳам борки ҳар хил миллат вакиллари минталетитига мос келмаслиги мумкин. Мисол учун япон

миллатидаги “Сукунат олтинга тенг” мақолида инсонни сукунат сақлаши яхши ҳислат деб қаралса инглиз халқида бу аксинча қораланиб инсон гапирмасдан бирор билимга эга бўлмайди дейилади;

Squeaking wheels get oil (чийиллаган ғилдирак бензин олади). Бу мақол билан инглизлар инсон гапириб турсагина ниманидир олади ва бу мисол орқали кўришимиз мумкинки икки халқда уларнинг сукунат тўғрисидаги қарашлари мос келмасдан қарама-қарши фикрларни ифодалаган.

Умуман олганда мақоллар миллий ва умумбашарий хусусиятларни билдиришига қараб икки турга бўлинсада уларни бирлаштирувчи хусусиятлари ҳам бор. Мақоллар машҳур инсонларни доно сўзлари бўлмай халқнинг узоқ ўтмишига бориб тақалади ва ҳеч қандай муаллифга эга бўлмайди. Барча мақоллар ўз ритмига, қофиясига ва тугалланган фикрга эга.

Метафорага эга : A rotten apple spoils the barrel. (Ачиган олма мураббо қутисини булғайди).

Битта тирриқ кўзи (Ўзбек мақоллар тўпламидан)  
Подани бўлғайди.

Ритмга эга : When the CAT's away, the mice will play (мушукни кетиши сичқонларни ўйин-кулгуси).

Сулаймон ўлди девлар қутилди. (Ўзбек мақоллар тўпламидан)

Аллитирацияга эга : Robbing Peter to pay Paul. (Петердан умариб Паулга тўлаш).

Қалпоғингни қайтоқи қилгунча (Ўзбек мақоллар тўпламидан)  
Кўйларингни бўрдоқи қил

Мақолларнинг бундай хусусияти уларни барча миллатларда бир ҳил стандардалигини кўрсатиб беради. Маъно жиҳатдан мақоллар турлича таҳлил қилини ҳар миллат дунёқараши уларни турмуш тарзи, минталитетидан хабардор бўлиб таҳлил қилиниши кераклигини кўрсатади.

## 2.2. Инглиз тилларидаги “Инсон ва унинг характери” гуруҳига оид мақолларнинг семантикаси

Тил - бу инсоннинг кадр - қиммати ҳис туйғулари ва маданий фаолиятини билдирувчи асосий воситалардан биридир. Тил уни фойдаланувчи халқнинг ўзига хос хусусиятини ифода этиб, унинг мазмун-моҳиятини бошқа тилларга туғридан- туғри таржима қилиб бўлмайди. Айниқса, халқ мақолларида ҳар бир миллат ўз кўз қарашларини ўзларининг дунё қарашидан келиб чиққан ҳолда ифода қилади.

Мақоллар тилнинг энг муҳим бирликларидан бўлиб, улар одамлар ишончини ва уларнинг олам ҳақидаги тушунчасини акс эттиради.

«Мақолларга шундай бир хусусият мансубки, катта мунозараларни ёрқин намойиш этади. Бошқача қилиб айтганда, мақоллар сўзлар жамланмаси билан безатилган фикрлар либосидирки, улар учишда қанот вазифасини бажаради».(Норрик, 1997:279)

Мақолларнинг туб моҳиятига етиш учун, уларнинг лексик маъносини аниқ тушиниб олиш лозим. Бу эса мақолларни тил воситаси сифатида таҳлил қилиш, инсон кечирмаларини таснифлаш ва маъносини ойдинлаштириш орқали юзага келади. «Семантика назарияси сўзловчининг маънони таҳлил қилишига ёрдам беради. Бунда маъно ва унинг компонентлари ўртасидаги алоқаларни тушинишнинг аҳамияти каттадир.»(Палмер,1981:31)

Инглиз тилида инсон характериға бағишланган мақолларни кўп учратиш мумкин. Уларда ҳам мажозий маънодаги ҳам ўз маъносидаги қўлланувчи мақоллар мавжуд.

Once a knave, always a knave. (Бир марта ноҳақлик доим ноҳақликдир).

The fox may grow gray, but never good. (Тулки кул ранг бўлиб улғайиши мумкин, бироқ ҳеч қачон яхши бўлмайди).

Of evil grain, no good seed can come.(ёмон уруғдан яхши уруғ унмайди).



He that is born a fool is never cured. (Ахмоқ бўлиб туғилганни давоси йўқ).

Cut off a dog's tail and he will be a dog still. (итни думини кесиб ташласанг ҳам у итлигича қолаверади).

The leopard cannot change his spots. (Леопард ҳеч қачон ўз доғчаларини ўзгартирмайди.)

You cannot make a silk purse out of a sow's ear. (чўчқани қулоғдан ипак мато қилолмайсан.)

You cannot make a crab walk straight. (Крабни тўғри юрдиrolмайсан )

When wealth is lost, nothing is lost. When health is lost, something is lost. When character is lost, all is lost. (агар бойлик йўқолса ҳеч нарса йўқолмагани, соғлик йўқолгани ниманидир йўқолгани, характерни йўқолгани барча нарсани йўқотилгани).

Character is a diamond which scratches every other stone. (характер бу олмосдирки ҳар қандай тошни тирнай олади).

Eagles do not breed doves.(бургутлар кабутарни озиклантирмайди).

Инглиз тили мақолларидаги сўзларнинг тўғри маъносини аниқлаб, сўнгра уларнинг кўчма маънолари тушинишга ҳаракат қилинади. Маъно жиҳатдан мақолларнинг таснифи кўпгина олимлар томонидан ўрганиб келинган ва бундай ёндашувга маънонинг асл табиатини очиб беришга интилиши кўзга ташланади. Машҳур тилшунос С. Лйон мақоллар семантикасини 7 хил кўринишда аниқлашни кўрсатиб ўтган. Унинг таснифига биноан мақоллар куйидаги гуруҳларга бўлинади.

1. Концептуал мақоллар
2. Уз маъносида ишлатиладиган мақоллар
3. Кучма маънога эга мақоллар
4. Коллокатив мақоллар

5. Таъсирчанлик маъноли мақоллар
6. Стилистик мақоллар
7. Тематик мақоллар (Лйон,1977).

Бу гуруҳлар мақолларни қисқача муҳокама қилиб, уларни тўғри ишлатиш ва тушинишига ёрдам беради.

Ўз маъноси деганда мақоллар таркибидаги сўзларнинг луғавий маъноси тушинилиб, бу мақолларнинг асосий, адабий тилда фойдаланиладиган шаклдир. Бунда сўз замирида яширин маъно англатмайди. Кўчма маъно эса сўзнинг яширин маъноси бўлиб, бундай маъно инсоннинг бошидан ўтган кечинмалари натижасида келиб чиққан булади.

Коллокатив маъно эса бир неча синоним мақоллар орасида кўп ишлатилади ва уларда адабий буёқ ҳам бўлмайди ҳамда кўполлик ҳам англатилмайди. Бундай маънодан фарқли улароқ, сўзларнинг таъсирчанлик маъноси тингловчининг ҳис туйғуларини ва муносабатини ўзига жалб қилувчи маънодир.

Бу турдаги мақоллар шундай хусусиятга эгаки, улар мулойимлик, олийжаноблик ва куполлик тушунчаларининг даражасини ифодалай олади.

Стилистик маъно бу сўзнинг лингвистик шаклининг ижтимоий ва маълум бир жабхадаги, хусусан, географик, маҳалий, жинсий ва ёшдаги муносабатлар билан боғликлиги тушинилади.

Тематик маъно эса сўзни тингловчига буйруқ тарзида, қаттиқ урғу берган ҳолатда ёки риторик суроқ тарзида етказиш усулидир.

Инглиз тилидаги «Инсон ва унинг характери» гуруҳидаги мақолларни юқорида кўрсатилган классификация орқали қуйидагича тушунтириш мумкин.

Anger is the one thing made better by delay.

(Инглиз мақоллар луғати ,2003) Бу мақол жаҳл ҳақида бўлиб унда инсоннинг жаҳли чиқиб турган бўлса унга бирданига ҳеч сўз айтмаслик ва бирор хатти - ҳаракат қилмаслик керак дейилади. Мақолда сўзлар денотатив маънода ишлатилган, чунки унга образли иборалар иштирок этмаган ва таъсирчан бўйруқ англатувчи сўзлардан фойдаланилмаган.

Дарҳақиқат, жаҳл инсонни бошқа инсонга айлантириб қўяди. Мазкур инглиз мақолида жаҳл шундай нарса сифатида тасвирланадики, унда одам қилиб турган ишини тўхтатиб эмас, балки кейинга суриб туришни ифодалаш мақсадида «delay» сўзидан фойдаланилган ва бу сўзнинг таржимаси бу «кейинга суриш» демакдир.

A bad workman blames his tools.

( Инглиз мақоллар луғати,2003) «Ёмон ишчи асбобини айбдор қилар» Бу ибора таъсирчанлик маъносига эга мақол бўлиб, унинг тингловчига янада таъсирли бўлиши учун салбий маънодаги «bad»сўзи ишлатилган. Ҳақиқатдан ҳам ишчи ҳар қандай вазиятда яъни асбоби ёмон ёки яхши бўлишига қарамасдан ўз ишининг устаси бўлиши керак. Бу инглиз мақолини ҳеч қандай таҳлилсиз, бир ўқишдаёқ тушиниб олиш мумкин, чунки бу ҳодиса инсоннинг кундалик ҳаётида тез-тез учраб туради.

A leopard cannot change its spots.

( Инглиз мақоллар луғати,2003) «Леопард ўз танасидаги доғчаларини ўзгартирмайди».

Семантик жihatдан бу мақол кўчма маънога эгадир. Хайвон образи орқали инсон тасвирланган. Леопард ўз танасидаги доғчаларини ўзгартира олмаганидек инсон ҳам ўзининг ёмон характерини ўзгартира олмайди.

A monkey in silk is a monkey no less.

( Инглиз мақоллар луғати,2003) «Ипак мато кийишига қарамасдан маймун маймунлигича қолади»-Бу кўчма маънога эга мақол бўлиб, унда

инсон характери хайвон образида ифодаланган. Бунда инсон қанчалик чиройли куйлак киймасин ёки тақинчоқлар тақмасин инсонни ички дунёси аввалгидей қолаверади. Шу боисдан ҳам инсон ўзини яхши кўринишини қилаётган муомаласи орқали кўрсатиши мумкин. Бу мақол учун инглиз халқининг яна бир мақоли синоним *Beauty is only skin deep* «Чирой фақат ташқи кўриниш».

*Set a BEGGAR on horseback, and he'll ride to the Devil.*

«Тиланчини от устига миндир у сени тўғри шайтон ёнига оборади». Бу мақолда инсон камбағалчиликдан бирданига бой бўлиб қолганда пулни қандай сарф қилишни билмай бўлар -бўлмасга ишлатадиган инсон тасвирланган. *I should think your early days of forced economy would have taught you not to be quite so extravagant. But there's an old proverb—‘Set a beggar on horse-back—’ and so forth,that jolly well fits you. (1923 *Affair at Flower Acres* ii.)* «Ўйлагандимки яқин кунлардаги иқтисодий мураккаблик сени кўп исроф қилмасликка ўргатди. Аммо шундай мақол борку «Тиланчини от устига миндир-» ва шундан кейин яъна сени ростан ҳам ўз холинга қайтаради.»

*BRAVE men lived before Agamemnon.*

«Кучли кишилар Агамемнондан олдин яшашган». Бу инглиз мақоли кучлилик, мардлик ҳақида бўлиб, унинг яратилиши узоқ тарихга бориб тақалади. Месинае қироли Агамемнон Троядаги бўлган жангда кўпгина кучли эркакларни эксплуатация қилиб ғалаба қозонади, аммо ҳеч бир жангчи ҳақида ёзмаларда маълумот берилмаган. Гарчи жангчилар номи қолмаган бўлсада улар ҳақиқий мардлик кўрсатишган деб қаралади. *Brave men lived before Agamemnon, lots of them. But on all of them .. eternal night lies heavy, because they have left no records behind them. (1980 *Times* 23 June 16).* Мардлар Агамемнондан олдин яшашган ,кўплари,бирок ҳеч қайсиси .. узоқ тунлари оғир , улар ўзларидан ҳеч қандай қўл ёзма қолдиришмаган.

*He who CAN, does; he who cannot, teaches.*

«Кимки қўлидан келса бажаради, кимки қўлидан келмаса ақл ўргатади».

Мақолдаги барча сўзлар ўз маъносида қўлланилиб яширин маънога эга эмас. Ўқувчи буни тезда маъносини тушиниб етади ва ҳеч қандай стилистик буёғдорлик кўринмайди. Бу мақол агар бирор ишни ишолмай уни бўйнига олмай устига устак ақл ўргатадиган инсонни танқид остига олади ва замонавий ҳаётда бу мақолнинг ҳар хил кўринишлари яратилган, масалан, He who can, fix the train wheels, he who cannot, teaches. He who can, solve the problem, he cannot teach. (1903 Maxims for Revolutionists in Man & Superman 230) .Кимки қўлидан келса поезд ғилдирагини ўрнатади, қила олмаса ақл ўргатади. Бу инглиз мақолининг улар томонидан кўп қўлланиши билдиради ва юмарлик маъноларига эга.

The CAT would eat fish, but would not wet her feet.

«Мушук балиқни ейиши мумкин, аммо оёғини хўл қилмайди.» Бу инглиз мақоли ўз маъносида ёки кўчма маънода ишлатилиши мумкин. For ye be lyke the sweynte [tired] cat That wolde have fissh; but wostow[do you know] what? He wolde nothing wete his clowes.( House of Fame III,б1380) «Кўл бўйида ҳолдан тойган мушук балиқ тутди, лекин биласизларми нима? У панжасини хўл қилгани йўқ». Бу мисолда мушукни уддабронлиги ўз маъносида акс этган бўлиб, мақол тарзда эмас балки гап тарзида келган. Кейинги берилаётган мисолда мақолни кўчма маъноси ишлатилган. Letting 'I dare not' wait upon 'I would', Like the poor cat wet her feet when The CAT eat fish. (Macbeth б 44). «Рухсатингиз билан мен мушук балиқ тутаётганда оёғини хўл қилгунгача кутиб туролмайман. Ўзим амалга ошираман». Бу мисолда балиқ ва мушук мажозий маъноларда қўлланилиб унинг ортида инсон образи яширинган. Ҳозирги кунда ушбу мақолни кўпгина ҳазиломус вариантлари инглизлар томонидан кенг қўлланилиб келиняпти. "Bad sailors would fain enjoy the sun, but would not cross the channel." «Ёмон денгизчи куёшдан роҳатланиши мумкин, аммо канални кесиб ўтмаслиги мумкин».

CHILDREN and fools tell the truth.

«Болалар ва жиннилар ҳақиқатни гапиришади.» Бу инсонларни самимийлик тўғрисидаги мақол бўлиб, мақолни ташкил этган барча сўзлар ўз маъносида қўлланган. Solicitor .. ‘Are you telling the truth in this case?’ Witness.—Only children and fools tell the truth.( Evening Standard 21 Oct. 9). «Адвокат.. « унда сен ҳақиқатни гапиряпсанми?» Гувох —«фақатгина болалар ва жиннилар ҳақиқатни гапиршади». Бу мақолни бази ўринларда бошқача кўринишларини ҳам учратишимиз мумкин. It is ‘an old saying that a child, a fool and a drunken man will ever show .. the truth’. (Letters & Papers of Reign of Henry VIII (1929) Addenda I.i. 437). «Шундай матал борки, бола, жинни, ичган одам доим ҳақиқатни кўрсатишади».

He that COMPLIES against his will is of his own opinion still.

(Кимки ўз хоҳишига қарши иш тутса фикрларини амалга оширолмайди). Бу мақол инсонни қатиятсизлигини ифодалаб қатиятсизлик қандай натижаларга олиб келишини кўрсатиб берган. But Ed Maguire did what he did against his own convictions. And what they say is true .. ‘A man convinced against his will is of the same opinion still.’ (Penance for Jerry Kennedy xiii.). « Аммо Ед Магуир ўз ҳукмига қарши иш тутди, деганларичаям бор “ўз ҳукмига қарши чиққан уни амалга ошира олмайди». Бу мақолда ҳеч қандай таъсирчанлик кўринмайди ва барча сўзлар луғат маъноларида ишлатилган, шу сабабли бу мақолни денататив маъноли мақоллар таркибига киритиш мумкин.

CONSCIENCE makes cowards of us all.

(виждон барчамизни қурқоқ қилиб қўйади.) бу инглиз мақоли инсонни виждон тўғрисидаги хусусиятини оддий қилиб тушунтириб берган. Бу мақол коллокатив маънога эга бўлиб, ўзида ҳеч қандай буёғдорлик акс этмаган ва мақолдаги барча сўзлар денататив маъносига эга. Бунга сабаб шундаки мақол барча учун тушинарли бўлишини таъминлайди ва ҳар бир мақол фойдаланувчига турли хил таъсир қилади чунки бу вазиятни бошидан кечирган инсон учун тасирчан ҳисобланса, виждонига қулоқ солмайдиган инсон учун ҳеч қандай тасирчанликка эга эмас. Where's thy conscience now?— I'll not meddle with it—it makes a man a coward. ( SHAKESPEARE Richard III I.

133) “Қани энди виждонинг? Мен у билан ҳисоблашмоқчи эмасман – у инсонни қурқоқ қилади.” Шекспир ўз асарида ишлатган бу мақолда юмор мавжуд. Мақолдаги сўзлар оддийлиги уни сўзлашиш давомида оддий бир ибора сифатида эркин қўлланилганлигидан ҳам кўришимиз мумкин. There was something funny here. Bloody funny. So the inspector, who lived, like any other policeman, with the sure knowledge that conscience doth make cowards of us all, began to lean. ( Old Lady's Dead ). «Мана кулгили ҳолат. Даҳшат кулгили. Бошқа инспекторларга ўхшаб яшаган инспектор аниқ равшанки виждонига суянса уни қурқоқ булишига олиб келади. Бу мақол замонавий ҳаётда ҳам кенг қўлланилган мақоллардан ҳисобланади. Инсонни қўрқоқлигини тасвирлаган бошқа мақолларни ҳам кўришимиз мумкин; COWARDS die many times before their death. «Қўрқоқ ўлимидан олдин кўп бор ўлиб тиради» Бу инглиз мақолида стилистик бўртириш акс этган бўлиб буни «кўп бор», «ўлиб тиради» бирикмаларини ишлатилиши билан ифодаланган. Шунингдек, бу иборалар мақолни тасирчанлик хусусиятини янада оширишига сабаб бўлади. Cowards die many times before their deaths: The valiant never taste of death but once. ( Julius Caesar II.ii. 32). « Қўрқоқ ўлимидан олдин кўп бор ўлиб тиради . Мард ҳеч қачон ўлим таъмини тотмаган эди, ликин бир марта.» Бу мисолда мардлик ва қўрқоқлик таққослаб кўрсатилган. Мисолда кансептуал маъноларига ҳам эга бўлиб, фикр аниқ қилиб ифодаланган бўлмасда таҳлил қилган ҳолатда мардлар вақатгина ўз ўлимидан сўнггина ўлим таъмини тотади деган маъно яширинганини билиб оламиз.

A FOOL at forty is a fool indeed

(Ахмоқ 40 ёшида ҳам ахмоқ бўлиб қолаверади. ) Бу мақолда барча сўзлар ўз маъносида ишлатилиб ҳеч қандай тасирчанликка эга эмас. Бундай мавзудаги мақоллар барча тилларда топилиши мумкин ва барча тил вакиллари учун мақол тушунарли бўлишига сабаб бўлади. I shall come or not [to your wedding] as I see fit. And let me add, my dear brother, that a fool at forty is a fool indeed. (New York Idea III. 112) ( Мен сени туйинга кўриб турганингдек келишим

мумкин ё йўқ. Шуни айтишим керакки менинг қадрли иним ахмоқ 40 ёшида ҳам ахмоқдир. ) Шу мақолга кўпгина синоним мақолларни ҳам учратишимиз мумкин. There's no FOOL like an old fool. (Қари ахмоқдек ахмоқ йўқ.) Инглиз мақолида қари бўлишидан қатъий назар инсон ахмоқ бўлиб қолаверади демоқчи бўлади. Ўзбек мақолларидан фарқли ўлароқ инглиз мақолларида ахмоқ тушунчаси қари инсон билан бирга ишлатилиши мумкин. Ўзбек минталитида қари инсон фақатгина яхшилик, донолик тушунчаларини билдиради шу сабабли бундай мазмунли мақоллар ўзбек тилида учрамайди. 'There are those who have years without knowledge.' 'Right,' said Puck. 'No fool like an old fool.' (Rewards & Fairies 257). («Шундайлар борки йиллар бўлса ҳам илмсизлар. Тўғри, деди Пак. Қари ахмоқдек ахмоқ йўқ».) Бундан ташқари ахмоқлик тўғрисида яна бошқача кўринишдаги мақоллар ҳам учраб туради. FOOLS build houses and wise men live in them. (Ахмоқ уй қуради ва доно одам унда яшайди.) Бу мақол маълум бир вазиятни тасвирласада уни замирида бир неча вазиятлар қамраб олинган. Мақолнинг асл мақсади ҳар қандай вазиятда ҳам ахмоқ яхши нарса барпо қилади, лекин ундан роҳатланишни билмаслиги мумкин. Бундай вазиятни ақлли одам кўлдан бой бермайди ахмоқ яратган нарсадан ҳеч бир машаққатсиз фойдаланади. On his retirement, the first baron did not build himself a palace such as he could well have afforded. Perhaps he remembered the old adage that 'fools build and wise men buy.' (Murder at Eclipse б 86) (Нафақадалигида биринчи барон ўзига сарой қурмади, аммо сотиб ола олди. Балки у эскилардан қолган мақолни эслаган бўлса керак «ахмоқ қуради доно эса сотиб олади».) Мақолдаги «яшайди» сўзи берилган мисолда «қуради» деб келтирилган бўлсада мақолни бераётган мазмуни ўзгармаган. Мақоллардаги бундай ўзгаришлар фақатгина мақолни кўлловчи ўзига таниш бўлган ёки нутқида кўп қўлланувчи сўзлар билан алмаштириши натижасидир.

The HIGHER the monkey climbs the more he shows his tail.

(Маймун қанчалик юқорига кўтарилган сайин шунчалик кўп узини думини кўрсатади.)



Мақол ўзига бино қўйган инсонни қанчалик баланд лавозимга чиққан сари уни бемаъни қилиқлари пайдо бўлишини кўрсатилган. Мақолни ўз маъносида ҳам кўчма маъносида ҳам қўлласак бўлади. Аммо уни мақол сифатида қўллаш учун канататив маъносини ишлатиш зарур. Let me tell you something Cookie and try to remember it the rest of your life, will you? The higher a monkey climbs the more he shows his ass. (Washington Post 3 Nov.) (Куки, сенга бир нарсани айтишга ижозат бер ва буни ҳаётинг мобайнида доим ёдинда тут маймун қанчалик баланд кўтарилган сари ўз орқасини кўпроқ кўрсатади.) Берилган мисолда «дум» сўзи «орқа» сўзи билан алмаштирилган, чунки қўлловчи замонавий ҳаётда энг қўлланувчи жаргондан фойдаланиб мақолни тасирчанлик даражасини янада кучайишига олиб келган. Бу мақол бошқача кўринишларига ҳам эга: “The higher you shinny up the flagpole, the more your rear end hangs out. Proof of that adage is the potshots now being taken at Gen. Colin Powell as he becomes a potential presidential candidate. (Washington Times 6 Oct. A19).” Байроқни қанчалар баланд ҳилпиратсанг шунчалар кўп осилиб туради.

Who KNOWS most, speaks least. (кўп билган кам сўзлайди)

(Ким кўп билса энг кам гапиради) Бу мақол инсонни билимли аммо гамгап бўлишини кўрсатиб берган. Мақолда ҳамма сўзлар ўз маъносида ишлатилганлиги сабабли уни тушиниш қийин эмас. Бундай мақолни барча тилларда учратиш мумкин. Ҳеч қандай таъсирчанлик ёки стилистик хусусиятлар бўлмаганлиги сабабли коллокатив мақоллар сирасига киради.

The MORE you get, the more you want (Қанча кўпга эришсанг шунча кўп хоҳлайсан.) Бу кансептуал классификатсиядаги мақол ҳисоблани, унга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин. Қанча бойликка эришсанг янада кўпини хоҳлайсан, буни инсонни очкўзлик характери деб баҳоласак бўлади. *I was averaging eighty to a hundred [dollars] a week. Well, you know how it is. The more you get the more you want. (Glass Triangle).* (Мен ҳафтасига 80 долларни 100 долларга кўпайтираётгандим. Яхши, билсанми нега бундай “қача кўп нарсага эришсанг шунча кўп нарса хоҳлайсан”.)

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тилида бундай образли мақоллар кўп учраб туради ва бу орқали инсоннинг ёмон характери танқид остига олинади. Бу эса мақолларнинг асл маъносини тушинишда сўзларнинг семантик тахлили кўл келишга далил булади.

### **2.3 Ўзбек тилидаги «Инсон ва унинг характери» тўғрисидаги мақолларнинг семантикаси.**

Барча миллатлар ўз мақолларига эга бўлганидек ўзбек миллатида ҳам мақоллар ўрни бекиёсдир. Айниқса, ўзбек мақолларида инсонни ва унинг характери ни ифодаловчи мақоллар ниҳоятда кўп учрайди. Турли хил мавзулардаги мақоллар яъни самимийлик, ғурур, ор – номус, меҳнатсеварлик, халоллик, андишалилик мавзусидаги мақоллар инсонни ҳар жиҳатдан таҳлил қилади ва кези келганда танқид остига олади.

<b>Samiymilik</b>	Ming kun munkaytirar.
Ne gap bo'lsa o'yida, Ayon bo'lar tilida.	Bor borini yeydi Uyatsiz – orini
Ochiqning ko'ngli yorug' Oyog'ida qon chorig'.	Xotinsizlik – mehnat Xotinbozlik la'nat.
Yosh ko'zdan emas yurakdan chiqar.	
Inson qalbi quyoshdan yorug'.	Sharmanda, oxiri qolar armonda.
O'xshamagin tulkiga, Qolarsan ko'p kulgiga.	Yomon ayoli yig'isi bilan
	<b>Mehnatsevarlik va ishyoqmaslik.</b>
Qalbakilik bir kun qvontirsa,	Axmoqning kulgusi ko'p,

Dangasaning uyqusi.

Oshnangdan tuya so'ra,

Uyalsa,biya berar.

Dangasaga ish buyursang otangdan  
ortiq nasihat qilar.

Uyalmagan baxshi bo'lar,

Erinmagan –eshikchi.

### **Andisha**

Andishaning otini qo'rqqoq qo'yma.

Er yursa yo'li ochilar,

Xotin yursa, yuzi ochilar.

Birov burab gapirar

### **Hallolik**

Birov qarab gapirar.

Dili pokning ishi -pok.

Dili pokning yo'li –pok.

Oshgan bo'lsang osarlar,

Yuvvosh bo'lsang bosarlar.

Ishlab yegan zog'orang

Tananga yog'dek yoqar.

Халқ тафаккури дурдонаси ҳисобланмиш мақоллар нафақат халқ ҳаёти, қарашини ифодалашини билан кадрли, балки кундалик турмушимизда нутқимизни бойитувчи воситалардан бири ҳамдир. Узоқ йиллардан бери олимлар диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келадиган мақоллар фольклор, этнографиянинг ўрганиш предмети сифатида тадқиқ этилди. Сўнгги 30-40 йил ичида бу соҳа билан тилшунослик ҳам шуғуллана бошлади. Таниқли олимларимиз Ш.Раҳматуллаев, Я.Пинхасов, Ғ.Саломов, Қ.Самадов, Ш.Шораҳмедов, Х.Абдурахмонов, М.Садриддинова кабиларнинг ишлари бу ҳақда ёрқин гувоҳлик бера олади.

Мақоллар синонимияси ва кўп маънолилиқ

Синонимия асосида маъно муносабати ётади. Уялардаги маънодош мақолларни кузатиш натижасида шу нарсага амин бўлдикки, баъзи мақоллар ягона маъно доирасида ҳаракат қилса, бошқалари бир неча маънога эга бўлиб, ҳар қайси маъноси билан алоҳида-алоҳида синонимик қатор ташкил этади. Демак, бир маънолилик ва кўп маънолилик нуқтаи назаридан мақоллар синонимиясини дастлаб иккига бўлиш мумкин:

1. Бир маъноли мақоллар қатнашадиган маънодошлик уялари.

2. Кўп маъноли мақоллар қатнашадиган маънодошлик уялари.

Бир маъноли мақоллар қатнашадиган маънодошлик уялари

Бундай синонимик уяларга тааллуқли бўлган мақоллар орасидаги муносабат содда бўлиб, уларнинг маъноси тўғридан-тўғри англашилиб туради ва ҳеч қандай изоҳ талаб қилмайди. Масалан:

1. Ўлма, эшагим, арпа пишар.

2. Мусо қўй келтирар.

3. Ўлма, отим, ёз келур, йўнғичқа битар.

4. Ўлмаган қул олтин косадан сув ичар.

5. Бола, йиғлама, сенга оймомани олиб бераман.

6. Бўш омбордан – ботмон ғалла.

Ушбу синонимик уядаги барча мақоллар нуқул ёлғон сўзлар билан киши қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирадиган, қуруқ ваъдалар бериб юрадиган кишиларга нисбатан истехзо, киноя тарзида қўлланади.

Кўп маъноли мақоллар қатнашадиган маънодошлик уялари

Бунда икки ҳодисани фарқлаш лозим:

1. Синонимик уядаги бирор мақол кўп маъноли бўлади.

2. Синонимик уядаги барча мақоллар кўп маъноли бўлади.

Бирор мақол кўп маъноли бўлган маънодошлик уялари

1. От тепкисини от кўтарар.

2. Ўз гавронинг ўзингга қаттиқ тегмас.

3. Энаси тепган қулуннинг эти оғримас.

4. Хўкизнинг мугузи ўзига оғирлик қилмас.

Бу мақоллар тенгқурлар, дўстлар, қон-қариндошлиги бўлган кишилар бир-бирларининг қаттиқ-қурум гапларини кўтардилар ёхуд кўтаришлари керак, деган умумий маъно билан бир синонимик уяга бирлашади:

Мен ҳам Шомурод акамнинг аллақайси жиҳатини эмас, ўзини яхши кўрардим. Онам қанча ёлворди. Бошингда отанг бўлмаса, от тепкиси отга ўтмайди, тоғангнинг ўғлига узатаман, деб уввало ялинди, кўнмадим (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”, 223-бет).

“От тепкисини от кўтарар” мақоли юқоридаги умумий маънодан ташқари яна 2 маънони:

1-маъно: ҳар ким ўз тенг-тўши билан ўтириб-туриши, яшаши, умргузаронлик қилиши лозим.

2-маъно: ҳар ким ўз тенг-тўши билан олишиши, курашиши, кучини ўз тенгига кўрсатиши керак деган умумий маъноларни ҳам ифодалайди ва бу маънолар воситасида қуйидаги мақоллар билан синонимлик ташкил этади:

1. От тепкисини от кўтарар.

2. Тенг-тенги билан, тезак қопи билан.

3. Ўрдак ўрдак билан учар,

Ғоз ғоз билан учар.

4. Кабутар бо кабутар, жинс бо жинс.

5. Бош – бошга, Ёрғучоқ тошга.

Шунинг учун ҳам луғатда битта мақол бир маъноси билан бир синонимик уяга, иккинчи маъноси билан эса бошқа синонимик уяга киритилди.

Барча мақол кўп маъноли бўлган маънодошлик уялари

1. Бир томчи сув чумолига дарё кўринар.

2. Қалдирғочга туйнук – дарвоза.

Булар икки маъносида синонимия ҳосил қилади:

1-маъно: озгина иш ҳам кўп ва оғир туюлиб, пешанасини тириштирадиган, бўйин товлайдиган, ишқмас, дангасаларга қарата киноя тарзида айтилади.

2-маъно: баъзи бировлар менсимайдиган озгина нарса ёки маблағ камбағал, ўртамиёна одамнинг кўзига дунё бўлиб кўринади.

1. Аталадан суяк чиқибди.

2. Кесақдан олов чиқибди.

3. Қарқуноқдан булбул чиқибди.

Булар тўрт маъносида синонимия ҳосил қилади:

1-маъно: хасис одамдан иттифоқо бирор саховатли иш чиқиб қолса;

2-маъно: ҳеч нарса билмайдиган одамдан бирор маъноли фикр чиқиб қолса;



3-маъно: ҳеч индамай жим юрувчи киши бирор бир қилиқ қилиб қўйса.

4-маъно: доим яхши деб мақтаб юрган кишингиз бирор ножўя иш қилиб қўйса.

Луғатда бундай синонимик уяларнинг маънолари кетма-кет изоҳланди.

Синоним мақоллар асосида ётган образ

Синоним мақолларнинг ўзаро маънодошлигини таъминловчи шартлардан бири синонимик уядаги ҳар бир мақолнинг алоҳида образ асосига қурилган бўлишидир. Бундай мақолларнинг шаклланиш манбаи, улар асосида ётган воқелик бошқа-бошқа бўлади. Ушбу ҳолат синоним мақолларнинг кўпчилик қисмига хос хусусият саналади. Аммо шундай синонимик мақоллар борки, улар асосида айти бир образ ётади. Шунга қарамай бундай мақолларни ҳам ўзаро синоним деб аташга тўғри келади. Демак, бир уяга бирлашувчи синоним мақоллар улар асосида ётган образ нуқтаи назаридан икки хил:

1. Асосида бошқа-бошқа образ ётувчи синоним мақоллар.

2. Асосида айти бир образ ётувчи синоним мақоллар.

Асосида бошқа-бошқа образ ётувчи синоним мақоллар

Синоним мақолларнинг катта қисми шу гуруҳга мансуб бўлиб, улар ҳеч қандай изоҳга муҳтож эмас. Масалан:

Икки мақол қатнашадиган уя

Туя бўйига ишониб йилдан қуруқ қолибди.

Бўйига ишониб қамиш бўйра бўлибди.

Уч мақол қатнашадиган уя

Бир қўчқорнинг боши кетгунча, неча тўқлининг бошини ейди.

Битта қовун пишгунча, юзта сапча узилиб тушади.

Бир хум сингунча, неча хумча синади.

Аммо баъзан бу қоидадан четга чиқиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан:

Ит итнинг қуйруғини босмас.

Илон илоннинг қуйруғини босмас.

Юқоридаги қоидага кўра бундай мақолларни синонимлар доирасига киритиш лозим эди. Чунки улар асосида бошқа-бошқа образ ётади. Аммо биз уларни вариантлар деб аташни лозим топдик. Бундай хулосага келиш учун қуйидагилар асос бўлди:

1. Мақолларда иштирок этувчи сўзлар асосан бир хил.

2. Ит ва илон лексемалари ушбу мақоллар таркибида битта сема – ёвузлик семаси билан муштараклик ҳосил қилган. Ёки яна бир мисол:

Қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидар.

Юзига чидаган юз бирига ҳам чидар.

Бу мақоллардаги фарқ сонларда бўлиб, улар эса аниқ сонлар эмас, балки қофия талаби билан танланган ҳолда контекстда битта маъно: кўп миқдорни ифодалаш учун хосланган.

Демак, сўзларнинг, образларнинг ўзгариши ички маънонинг ўзгаришига таъсир этмаса, бунда синоним мақоллар эмас, балки уларнинг вариантлари юзага келади. Шу боис бундай мақоллардан фақат биттаси синоним сифатида луғатга киритилди, холос.

Аслида барча синоним мақоллар учун ягона, умумий белги сифатида бошқа-бошқа образга асосланган бўлишини талаб этиш изчилликка олиб келади.

Аммо йиғилган мисоллар бундай йўл тутишга имкон бермайди. Тилимизда шундай мақоллар ҳам учрайдики, улар асосида айна бир образ ётади. Лекин бу хусусият уларни бир мақолнинг вариантлари сифатида қараш учун асос бўлмайди. Чунки гарчи мақоллар бир образ асосига қурилган, аслида бир манбадан ўсиб чиққан бўлса ҳам, улардаги лексик таркиб ва гап бўлақларининг жойлашуви тамоман бир-биридан фарқ қилади. Шу билан бирга баъзи бир ўринларда образ тушириб қолдирилиб, образ белгиси асосий ўринга чиққан ҳолатлар ҳам учрайди, бу эса уларни янги мустақил мақол сифатида қараш учун имкон беради:

1. Зиқна бирга унамай дуважага тушади.

2. Мумсикнинг харжи икки баравар.

3. Бир эллик деб икки элликдан ажралар.

Шу сабабли бундай мақоллар ҳам луғатдан ўрин олган.

Синоним мақолларнинг маъно қиррасида фарқланиши

Икки ва ундан ортиқ мақолларнинг ўзаро синоним бўлиши шартларидан бири уларнинг маъно жиҳатидан ўхшаш бўлишидир. Синоним дейилувчи ҳодисаларда ана шундай маъно умумияти бўлиши шарт. Лекин шу билан бирга ҳар бир синоним мақол учун умумий маъно ўзанидан ташқари ўзига хос маъно қирраси ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Кўпчилик синонимларда худди шундай хусусият бор:

1. Яхши муомалага туя ҳам чўкади.

2. Яхши сўз филни ҳам йўлга солар.

3. Яхши гапга илон инидан чиқар.

4. Сигирни ҳам силаса сут берар.

Биринчи, иккинчи мақолларда умумий маъно ўзанининг катталики семаси биринчи планда турган бўлса, учинчи мақолда айёрлик, ваҳшийлик маъно қирраси бўртиб турибди ва ниҳоят охириги мақолда эса ювошлик маъноси устун.

Маъно қиррасида фарқланиш синонимларга хос асосий хусусиятлардан бири ҳисобланади. Лекин кузатишлар шуни кўрсатдики, баъзан бу қоидадан четга чиқиш ҳоллари ҳам учрайди. Яъни баъзи синоним мақоллар маъно қирраси жаҳатдан деярли фарқ қилмайди:

1. Ўрик ўрикни кўриб оқарар.

2. Қовун қовундан ранг олар.

3. Узум узумдан шира олар.

Бу уядаги синонимлар тенг маъно ва қурилишга эга бўлиб, фақат асосида ётган образ ҳамда нутқда оз-кўп ишлатилиши жиҳатидан фарқ қилади. Контекстда бундай синоним мақолларни бир-бири билан ўзаро алмаштириш маънога деярли таъсир этмайди.

Кўз илғамас узоқ даврлардан буён ўзбек ва тожик халқи бир заминда яшаб келаётгани боис нафақат ўтириб-туриш-у, муомала маданиятида, балки нутқида ҳам бир-бирларининг чиройли қочиримли сўзларидан, ибораларидан, шунингдек, мақолларидан фойдаланишади. Бу ҳолат ёзма адабиётга ҳам кўчган бўлиб, кўплаб тожикча мақоллар ўзбек тилидаги бадиий асарларга кирган ва бу барча учун бирдай тушунарли. Шунининг илоҳотида олиб бир қатор тожикча мақолларни ҳам синонимик уяларга киритишни лозим топдик:

1. Умидли дунё, ноумид шайтон.

2. Чикмаган жондан умид.
3. Умид ўрга тортар, умидсизлик – гўрга. (ўр – баландлик, тепалик.)
4. Умид ўлмас, ризқ камимас.

Мақоллар ўзбек тилида кўп ҳолларда маталлар билан бир ўринда келади. Уларни бир-биридан ажратиш қийин. Ўзбек тилида мақоллар билан энг кўп ишлаган Гулҳаний бўлиб, у ўзини

#### **2.4 Инглиз ва ўзбек тилидаги «Инсон ва унинг характери тўғрисидаги мақоллар семантикасининг ўхшашлик ва фарқлари.**

Барча мақоллар яратилиш тарихига, ўша халқ турмуш тарзини ифодалашига қараб бир биридан фарқ қилади ва баъзи бир ўринларда ўхшашликлар мавжуд бўлади. Шу ўринда инглиз ва ўзбек тилларидаги мақоллар ўртасида ҳам шундай фарқ ва ўхшашликлар учрайди. Бундай муносабатни мақолларни ҳар томонлама таҳлил қилганимизда яъни

1. Морфологик,
2. Лексик,
3. Этимологик,
4. Стилистик

жиҳатдан таҳлилда улар ўртасидаги фарқларни яққол кўришимиз мумкин. Икки тилдаги мақолларни биринчи фарқларидан бири уларда ишлатиладиган образлар ҳисобланади. Инглиз мақолларида инсон ҳислатини ифодалаш учун кўп ҳолатларда ҳайвон образидан кўп фойдаланади. Масалан:

Eagles don't catch flies (бургутлар пашшаларни тутишмайди).

The higher the monkey climbs the more he shows his tail(қанча маймун баланд кўтарилса шунча унинг думи кўпроқ кўринади).

Биринчи мақолда қўлланган инсоннинг мағрурлик ва иккинчи мақолда қўлланган нодонлик тўғрисидаги мақолларда асосий образни ҳайвонлар ташкил этади. Аммо унинг замирида албатта инсон туради.

Бундай ҳолат ўзбек мақолларида деярли учрамайди. Ўзбек мақолларида ҳайвон образи олинмай аксинча инсоннинг оддий турмуш тарзи олинади.

Мақоллар халқларнинг дунё қарашига қараб уларнинг ясашиши ифодаланиш услублари, қўлланиш образлари турлича бўлади. Бундай фарқларни ўзбек ва инглиз тилидаги мақоллар мисолида кўришимиз мумкин. Баъзи бир мақоллар борки улар инглиз тилидан ўзбек тилига тўғридан тўғри таржима қилиниши мумкин чунки икки тилда ҳам маълум бир тушинча бир хил талқин қилиши мумкин. Мақолларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилишда бир неча турларини айтиб ўтиш муҳимдир. Бу таржима турлари орқали мақолларни инглиз тилидан ўзбек тилига тушинарли қилиб етқизишда ёрдам беради. Мақолларни бошқа тилларга таржима қилишда куйидаги турлар мавжуд:

- Фразиологик эквалентдан фойдаланиш
  - а) абсолют эквалент
  - б) ўхшаш эквалент
- Аналогик фразалардан фойдаланиш
- Калка усулидан фойдаланиш
- Тўғридан- тўғри таржима усулидан фойдаланиш

Мақоллар таржимасида барча таржима усуллар фойдаланилади. Баъзи ҳолатларда инглиз ва ўзбек тиллардаги мақоллар прагматик, стилистик

жихатдан тўлиғича мос келади ва улар ифодалаётган тасвир ҳам бир хил бўлади ва бунда бир хил бўлган инглиз ва ўзбек мақоллари бор ва уларни абсолют таржима усули орқали таржима қилинади. Бунга қуйидаги мақолларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

A watched pot never boils            kutilgan qozon qaynamas (besabrning nafsi shoshar tusagani kuzda pishar).

Ушбу икки тилдаги мақолларда барча сўзлар бир хил лексемалар бўлгани ва бир хил маънони билдиргани сабабли ҳам абсолют таржимадан фойдаланиб таржима қилинди.

Баъзи мақоллар борки улар ўзбек тилига қисман ўхшашликлар билан таржима қилинади бунда биз фразиологик таржиманинг қисман таржима усулидан фойдаланамиз. Бироқ маъно икки тилда ҳам бир хиллигича қолади, фақатгина сўзлар ўрни бир хил тартибда келмайди.

Wisdom is the beauty of men - Одам беазаги ақл

Manners make the man - Инсонни фазилятлар улуғлайди

Who knows most, speaks least - кўп билган кам сўзлар

Инглиз мақолларнинг шундай турлари мавжудки уни ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржима қилиб бўлмайди. Бунда ўзбек тилида шу маънодаги мақолни топиб таржима беришимиз керак бўлади. Икки тилда турли хил лексемалар фойдаланилган бўлади.

A rotten apple spoils the barrel - Tirriq qo'zi podani buzar.

Инглиз тилида бир ёмон хулқли одам бутун гуруҳга таъсир қилиш мумкин деган маънодаги мақол инглизларда «бузилган олма мураббо идишини бузади» аммо худди шу маънодаги ўзбек мақоли эса «тирриқ қўзи подани бузади» деб ифодаланади. Бундай мақолни бир нечтасини учратишимиз мумкин.



A fool at forty is a fool forever - Қари бўлган билан доно бўлмас.

Wisdom is better than strength - Билим кучда куч билимда.

Яна бир мақолларни таржима қилиш усулларида бири бу «Калка» ҳисобланади. Бунда мақоллардаги сўзлар тўғридан тўғри таржима қилинади, чунки баъзи сўзлар инглиз тилидан ўзбек тилига тўғридан тўғри кириб келган сўзларни учратиш мумкин.

Leopard cannot change its spots - Леопард ўз доғларини ўзгартиролмайди

Бу мақолда леопард сўзи ўзбек тилига тўғридан тўғри таржима қилинди, чунки бундай ҳайвон тури ўзбекистон ҳудудида йўқлиги сабабли ўзбек тилига инглиз тилидан кириб келган сўз ҳисобланади.

Мақолларни таржима қилишнинг бошқа бир усулларида бири “тасвирий таржима” усулидир. Баъзи мақолларда инглизларга хос лексемалар ўзбек тилида йўқлиги сабабли улар ўзбек тилига тушунарли бўлиши учун ўша сўзларни тушунтириш орқали таржима берилади, чунки ўша мақолни экваленти ёки аналоги бўлмаслиги мумкин.

Beware of Greeks bearing gifts (Греklarни ўралган совғасидан огоҳ бўл).

Юқорида берилган мақолнинг сўзма сўз таржима қилиниши билан бирга тарихий келиб чиқиши берилмаса бошқа тил вакиллари учун бу мақол мазмуни тушунарсиз бўлади.

Келтирилган таржима усуллари орқали инглиз тилидаги мақолларни ўзбек тилига тушунарли тарзда таржима қилиш имкониятига эга бўламиз.

Таржима қилиш жараёнида икки тил мақоллари ўртасидаги фарқни аниқлаб уларни қайси хусусияти орқали фарқланишини билиб уларга мос таржима усулларида фойдаланиб таржима қилишимиз мумкин.

## Хулоса

Мақолларнинг семантикасини таҳлил қилиш уларни тарихий хусусиятини ва уларни қўлловчи миллатнинг характерини аниқлашда қўл келади. 2-бобдаги берилган маълумотларда мақолларни нафақат икки тил(инглиз ва ўзбек) ҳар хил миллатлар ўртасида яъни миллатлараро ўхшашликлари ва фарқларини таҳлил қилишимиз мумкин. Мақоллардаги учрайдиган мавзулар халқлар турмуш тарзидан уларни географик жойлашвидан ва уларни яшаётган ижтимоий муҳитдан келиб чиққан ҳолатда яратилишини баъзи бир мақолшнослар томонидан исотланганини кўришимиз мумкин. Бироқ бу фикрга Ватер Граунберг ўзини изланишлари натижасида мақоллар маълум бир миллатга хос бўлмайди балки барча миллатлар ҳатти ҳаракатини ифодалайди деган фикрларини билдириб ўтади. Бу бобда мақолларни халқларда турлича ифодаланиши билан бирга уларни бирлаштириб туруви ўхшашликлари ҳам таҳлил қилинган. Барча мақолларда учрайдиган ритмик қофия, метафора ва аллитирация ҳодисаларни барча мақолларни бирдай хусусияти сифатида қаралади. Шу билан бирга инглиз мақолларини семантикаси инсон ва унинг характери мавзуси остида таҳлил қилинди ва бу классификация Америкалик тилшунос Лйоннинг мақоллар семантик классификацияси асосида таҳлил қилинди. Барча мақоллар таҳлили асарларда келтирилган мисоллар орқали бериб чиқилди. Бундан ташқари берилган инглиз мақоллари ўзбек тилидаги экваленти, аналоги ёки тўғридан тўғри таржима усулидан фойдаланилиб таржима қилинди. 3-бўлимда эса ўзбек тилидаги инсон характерига оид мақолларни семантик таҳлили кўрсатиб ўтилди. Инглиз мақолларидан фарқли ўлароқ мақолларни синоним вариантлари кенгроқ қилиб берилди. Бунга асосий сабаб сифатида ўзбек мақоллари орасида инсон характерига оид мақоллар инглиз мақолларидан кўра кўп учрашидир. Шу билан бирга ўзбек мақолларидаги синонимия асосида маъно муносабати ётиши ва маънодош мақолларни кузатиш натижасида баъзи мақоллар ягона маъно доирасида ҳаракат қилса, бошқалари бир неча маънога эга бўлиб, ҳар қайси маъноси билан алоҳида-алоҳида синонимик қатор ташкил этиши таҳлил қилинди. Ўзбек мақолларини

шеваларга хос хусусияти ҳам таҳлил қилиниб уларни тилшуносликдаги аҳамияти тушунтириб ўтилди. 4-бўлимда эса инглиз ва ўзбек тилидаги мақоллар ўхшашликлари ва фарқлари кўрсатиб ўтилган. Икки тил таҳлили уларни таржима давомида асосий хусусиятларини очиб беришга ёрдам берди. Бу таржима турлари орқали мақолларни инглиз тилидан ўзбек тилига тушунарли қилиб етқизишда ёрдам беради. Мақолларни бошқа тилларга таржима қилишда бир нечта турлари айтиб ўтилди. 1)Фразаологик эквалентдан фойдаланиш

а) абсолют эквалент

б) ўхшаш эквалент

2)Аналогик фразалардан фойдаланиш. 3)Калка усулидан фойдаланиш.

3)Тўғридан- тўғри таржима усулидан фойдаланиш

Мақоллар таржимасида барча таржима усуллар фойдаланилади. Баъзи ҳолатларда инглиз ва ўзбек тиллардаги мақоллар прагматик, стилистик жиҳатдан тўлиғича мос келади ва улар ифодалаётган тасвир ҳам бир ҳил бўладиган мақоллар ва шу ўринда икки тил мақолларида ҳар хил лексемали ammo бир хил мазмунни ифодалаган мақоллар мисол тарзида берилди.

Шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, мақоллар семантикасини таҳлил қилиш уларни маълум бир миллатга хос хусусиятини очиб беришда ўрни беқиёсдир ва уларни кўп тилшунослар томонидан баҳс мунозарага сабаб бўлиши мақоллар семантикасида ҳали ҳам тўлиғича таҳлил остига олинмаган жабҳалар мавжудлигидан далолат беради. Шу сабабли ҳали бу соҳа янги авлод тилшунослари томонидан ўрганилишига сабаб бўлади.

### **III БОБ. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ИНСОН ВА УНИНГ ХАРАКТЕРИ” ГУРУҲИГА ОИД МАҚОЛЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ.**

#### **Бўлим 1. Лингвистик статистика: йўналишлари, методлари.**

Лингвистик статистика тилшуносликнинг бир тармоғи ҳисобланиб, тил ва нутқнинг миқдор хусусиятини таҳлили билан шуғулланади. Лингвистик

статистиканинг асосий тадқиқот материали матн бўлиб, матн бу ҳарф, фонема, морфема, сўз таркиби, гаплар кетма кетлиги сифатида қаралади. Статистика математиканинг бир йўналиши сифатида тўплам, классификация, таҳлил ва рақамли факт ва саналар изоҳини ўз ичига олади.

Статистик лингвистика математик лингвистиканинг маълум бир коидаларига бўйсинади. У лингвистикани асосий йўналишларидан бири сифатида қаралади. Статистик лингвистикага қизиқишнинг ортиши ва унинг устида изланишнинг олиб борилиши 1960-1980-йилларда кучайди. Статистик ёндашувнинг ривожланишига асосий сабаб шундаки у таҳлилнинг бетартиб рақамлари билан ишлашда катта ёрдам беради. Бундай метод тил бирлигининг статистик хусусиятини кўрсатиб беради ват ил тадқиқотининг математик методи деб номланади. Тилшуносликда статистик методнинг ўрганилишига биринчи қадамни Америкалик олим Г. Зипф ўзининг «Инсон тарбияси ва кам таъсир этувчи тамойиллари» (1949) (3, 263) деб номланган китобида кўрсатиб берди. Сўзнинг турли хил маънолар миқдори ва воқеаларнинг кетма-кетлиги ўртасида тўғридан тўғри боғлиқлик борлигини тадқиқот давомида кўрсатди, Г. Зипф бу боғлиқлик учун математик формулани олдинга қўйдик бунда у ҳар қандай кўпмаъноли сўзнинг маънолар миқдори ва сўзнинг қўлланишига тенг бўлиши мумкинлигини таъкидлайди ва буни қуйидагича тасвирлайди.

$$M=P$$

Бу формулада “м” маънолар миқдорини билдирса, мос равишда қўлланиш ҳолати “п” ҳарфи билан ифодаланган. Кўпмаънолилиқ ва сўз қўлланишининг боғлиқлигини кўрсатувчи бу формула Зипф қонуни деб аталди ва бунда сўзнинг маънолари қанчалик кўп жамланган сари шунчалик ақлий ва ижтимоий фаолиятнинг турли хил жабҳаларини тасвирлайди. Балки, бу статистик тилшунослик соҳасидаги қўлга киритилган энг яхши нютуқлардандир.

Лингвистик бирликларнинг татқиқот хусусиятига кўра қуйидагиларни ташкил қилади;

- Фонологик статистика
- Лексик статистика
- Стилистик статистика
- Морфологик статистика
- Қиёсий стилистика
- Хронологик статистика

Фонологик статистика, яъни нутқ товуши, фонема, бўғинларни қўлланишини ўрганувчи статистика, морфологик статистика бўлиб, бунда турли ҳил морфологик шакллар (асос, суффикслар,) қўлланишини ўрганади ва лексик статистика эса сўз ва иборалар қўлланишини ўрганади. Услубий статистика ҳар бир услубнинг жанрлари, вазифасини ўрганади. Берилган татқиқот турларидан ташқари қиёсий статистика ҳам мавжуд бўлиб, тилларнинг қиёсий белгиларини миқдорини ўрганади.

Лингвистик статистика фақатгина лингвистик шаклнинг нисбийлик частотасини ва уларнинг синфларини эмас, балки қуйидаги усулларнинг характеристикасини яъни уларнинг ўлчами(катта кичиклиги), боғлиқлиги (мунособат кучи)ни ўрганади. Инглизлардаги инсон характериға оид мақолларнинг сони уларнинг дунёқараши, менталитетидан дарак беради. Худи шундай белгиларни ўзбек тилида ҳам учраши инглиз миллати ва ўзбек миллатини таққослаб кўрсатиб беришга замин бўлади.

Шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки охирги бир неча йиллар давомида ривожланиб бораётган замонавий лингвистиканинг энг муҳим ва долзарб йўналишаридан бири статистик метод тил ҳодисаларини миқдорий изланишишидир. Статистик ёндашув тилшнослиқда жуда машҳур бўлиб

бормоқда ва бунга сабаб фақатгина унинг аниқлиги ва тўғрилиги эмас, балки тартибсиз тил ҳодисаларига нукта қўйувчи ечим ролини бажаради.

Бизга берилган структурани қанақа қилиб пайдо бўлганлиги етарли эмас, балки уни тез-тез учраб туриши қизиқдир. Тезлик факт классификациясида энг муҳим критериялардан биридир. Бу чет тили ўрганувчи учун асосий лексик манбани танлаш ва тадқиқот бўлимларини таққослаш учун белгидир. Ўзбек ва инглиз тилларидаги инсон ва унинг характериға оид мақолларнинг статистикасини аниқлаш уларнинг икки миллат ўртасидаги фарқ ва ўхшашликлари борлигини кўрсатади. Барча берилган рақам ва фоизлар аниқ факт бўлиб, улар икки тил мақолларини ката фарқ билан фарқланиши кўрсатиб берадиган аниқ статистикадир.

### **3.2. Инглиз ва ўзбек тилидаги «инсон ва унинг характери» га оид мақолларнинг миқдор хусусияти.**

Инглиз ва ўзбек тиллардаги мақоллар ўз таркибига турли хил мавзулардаги мақоллар тўпламларини жамлаган бўлишига қарамасдан улар сон ва миқдор жиҳатдан ҳар ҳил кўрсаткичга эгадир. Айниқса инсон ва унинг характери тўғрисидаги мақоллар икки тилда ҳам учрайди, бироқ улар таркибидаги характер турлари жумладан самиймилик, андишасизлик, орномус, кўрқоқ ва ғурурлилик характерлари турли хил миқдорда яъни бириси кам ёки бириси кўп бўлиши мумкин. Ўзбек мақолларини барча мавзуларини ўзида акс этган Тўра Мирзаевнинг “Ўзбек халқ мақоллари” деган мақоллар тўпламида 9088 та мақоллар мавжуддир. Улар ўзбек халқининг турмуш тарзини ва инсонларнинг ҳатти-ҳаракатларига баҳо берган ва кези келганди уларни қаттиқ танқид остига олган. Барча мақоллар ичидан инсон ва унинг характериға оид мақоллар 150 тани ташкил этиб уни фоиздаги миқдори қуйидаги жадвал кўринишида ифодаланган.

Жадвал 1. Ўзбек тилидаги луғат материали асосида инсон ва унинг характери

мавзусидаги мақолларнинг лингво- статистик анализ натижаси. (Ўзбек халқ мақоллари)

Мирзаев Т.- Тош: Шарқ, 2012. – 512б. – 9088та мақол.)

1	2	3	4
2	Луғат	Луғатдаги мақолларнинг умумий сони (сонда ва фоизда)	Инсон ва унинг характериға оид мақолларнинг сони(сонда ва фоизда)
3	Ўзбек халқ мақоллари	9088 та = 100%	353та=1,6

Ўзбек тилида инсон ва унинг характериға оид мақоллар бир нечта турларға бўлиниб, уларнинг жами 353 тани ташкил этади. Бу мақоллар ўзбек тилида мақоллар луғатидаги жами мақоллар таркибидан фоизларға бўлиб чиқилди. Бунда характер тўғрисидаги умумий мақоллар 12та бўлиб барча инсон характери тўғрисидаги мақолларнинг 3.3%ташкил этади. Ғурурлилик, орномус ва андишалилик характериға оид мақоллар сони 117та, 33.1 %, виждон ва виждонсизлик характериға оид мақоллар 15та 4.2%, ақллилик ва ахмоқлик тасвирланган мақоллар 57та 16.1 %, Қўрқоқлик ва ботирлик характери

Жадвал 2. Ўзбек тилидаги луғат материали асосида инсон ва унинг характери мақолларнинг ўз классификацияси асосидаги лингво-статистик анализ натижаси. (Ўзбек халқ мақоллари / Мирзаев Т.- Тош: Шарқ, 2012. – 512б. – 9088та мақол.)

1	2	3	4
2	Lug'at 'o'zbek xalq maqollari'	Lug'atdagi umumiy soni (sonda va foizda) 9088ta maqol =100%	Klassifikasiya asosidagi maqollar umumiy soni; mavzu sifatida (sonda va foizda)
3	Inson va uning xarakteri	353 ta =3.8%	353 ta =100%
4	Характер тўғрисидаги умумий мақоллар		12та=3.3%
5	Ғурурлилик, ор-номус, андишалилик		117та=33.1%
6	Виждонлилик ва виждонсизлик		15та=4.2%
7	Ақллилик ва ахмоқлик		57та=16.1%
8	Қўрқоқ ва ботирлик		80та=22.6%
9	Дангасалик ва меҳнатсеварлик		49та=13.8%
10	Самимийлик ва носамимийлик ва муомалали		23та=6.5%
11	Жами		353та

Ўзбек тилидаги мақоллар луғат материалидаги мақоллар сонига нисбатан фоизда тасвирланди ва энг кўп миқдордаги мақолларни 1.2% билан ғурур, ор-номус, андиша тўғрисидаги мақоллар олган бўлиб, кейинги ўринларни қўрқоқ ва мардлик мақоллари 80та 0.8%, ақллилик ва нодонлик 57та 0.6%, дангасалик ва меҳнатсеварлик 49та 0.5%, самимийлик ва носамимийлик 23та 0.2%, виждонлилик ва виждонсизлик 15 та 0.1% ва характер тўғрисидаги



мақоллар 12та 0.1 % ни ташкил қилади. Барча мақоллар қуйидагича жадвалга киритилди.

Жадвал 3 Ўзбекча луғат материали асосида инсон ва унинг характери мавзуси класификациясининг лингво-статистик асосидаги луғатда тутган ўрни. (Ўзбек халқ мақоллари / Мирзаев Т.- Тош: Шарқ, 2012. – 512б. – 9088та

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
2	Луғат	Мақолларнинг луғатдаги умумий сон	Характер тўғрисидаги умумий мақоллар	Ғурури, оронумус, андишалик	Виждон, виждонсизлик	Ақллик, ахлоқлик	Қўрқоқ ва ботирлик	Дангасалик, меҳнатсеварлик	Самимий, носамимий, муомалали	Жами
3	Ўзбек халқ мақоллари	9088та =100%	12та= 0.1%	117та= 1.2%	15та= 0.1%	57та= 0.6%	80та= 0.8%	49та= 0.5%	23та= 0.2%	352та

мақол.)

Инглиз тилида ҳам худди шу кўринишдаги жадвални кўришимиз мумкин. Албатта инглиз тилида мақоллар сони ўзбек тилига нисбатан анча кам ҳисобланади. инглиз халқида мақоллар барча мавзуларда ҳам кам учрайди Бунга асосий сабаб қилиб шуни кўрсатишимиз мумкинки, инглиз

паримиологиясида мақолларни таъсири сезилмайди ва улар кўпинча маталлар кўринишида учрайди. Мақолларни лингвостатистикасини кўрсатишимизда инглиз мақоллари берилган луғатдан фойдаланилди. Асосий манба сифатида Oxford Concise Dictionary of Proverbs яъни Оксфорд қисқа мақоллар луғатидан инсон ва унинг характериға оид мақоллар тўпланди. Мақолларнинг барча мавзулардаги сони 1000 та бўлиб, инсон ва унинг характериға оид мақоллар сони эса 63 тани ташкил этади. Барча мақоллар сонига фоиз сифатида 6,3 фоизни ташкил этишини кўришимиз мумкин. Бундай натижани қуйидаги жадвал кўринишида ифодалаш мумкин.

Жадвал 4. Ўзбек тилидаги луғат материали асосида инсон ва унинг характери мавзусидаги мақолларнинг лингво- статистик анализ натижаси. (Oxford Concise Dictionary of Proverbs/ Simpson J. va Speake J- Oxford University Press, 2003- e-book copyright 2003,- 1000 proverbs.)

1	2	3	4
2	Луғат	Луғатдаги мақолларнинг умумий сони (сон ва фоизда)	Инсон ва унинг характери тўғрисидаги мақолларнинг сони (сон ва фоизда)
3	Oxford Concise Dictionary of Proverbs	1000 та = 100%	63та= 6,3%

Шунингдек, инглиз тилидаги мақолларни ўзбек тилидаги мақоллар сингари бир нечта турларда беришимиз мумкин. Масалан, ғурурли, ор номусли, данаса, ботир ва қўрқоқ каби мақоллар турларига бўлишимиз мумкин. Ҳар бир мақол турлари қанчани ташкил этиши ва луғатдаги барча мақоллар сонига неча фоиздан тўғри килиши қуйидагича жадвалда берилди. Инглиз тилидаги инсон ва унинг характери мавзусидаги мақолларни сони 10та,

ғурурлилик 7та , виждонлилик 11та , ақллилик 17та, дангасалик 6 та, қўрқоқ 4та ва самимийлик характери ифодаланган мақоллар сони эса 8та. Уларнинг барчаси фоиз кўринишига эга бўлиб қуйидагича жадвал кўринишида тасвирланди.

Жадвал 5. Инглиз тилидаги луғат материали асосида инсон ва унинг характери мақолларнинг ўз классификацияси асосидаги лингво-статистик анализ натижаси. (Oxford Concise Dictionary of Proverbs/ Simpson J. va Speake J- Oxford University Press, 2003- e-book copyright 2003,- 1000 proverbs.)

1	2	3	4
2	Oxford Concise Dictionary of Proverbs	Луғатдаги умумий сони (сонда ва фоизда) 9088та мақол =100%	Классификация асосидаги мақоллар умумий сони; мавзу сифатида (сонда ва фоизда)
3	Инсон ва унинг характери	6.3%=100%	63та=100%
4	Характер тўғрисидаги умумий мақоллар		10та=15,8%
5	Ғурурлилик, ор-номус, андишалилик		7та=11,1%
6	Виждонлилик ва виждонсизлик		11та=17,4%
7	Ақллилик ва ахмоқлик		17та=26,9%
8	Қўрқоқ ва ботирлик		6та=9,5%
9	Дангасалик ва меҳнатсеварлик		4та=6,3%
10	Самимийлик ва носамимийлик		8та=12,6

	ва муомалали		
11	Жами		63та

Инглиз тилидаги инсон ва унинг характери тўғрисидаги мақолларни изоҳли луғатида ҳар бир характер тўғрисидаги мақолларни фоиздаги ифодаси берилиб улар қуйидаги кўринишга эга инсон ва унинг характери мавзусидаги умумий мақолларни сони 10та, 1% ни, ғурурлилик 7та 0.7%ни, виждонлилик 11та 1.1% , ақллилик 17та 1.7%, дангасалик 4та 0.4%, кўрқоқ 6та 0.6% ва самимийлик характери ифодаланган мақоллар сони эса 8та 0.8%ни ташкил этади. Уларнинг барчаси қуйидагича жадвал кўринишида тасвирланди.

Жадвал 6. Инглиз тилидаги луғат материали асосида инсон ва унинг характери мақолларнинг ўз классификацияси асосидаги лингво-статистик натижаси натижаси асосидаги луғатда тутган ўрни. (Oxford Concise Dictionary of Proverbs/ Simpson J. va Speake J- Oxford University Press, 2003- e-book copyright 2003,- 1000 proverbs.)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
2	Луғат	Мақолларининг луғатдаги умумий сони	Характер тўғрисидаги умумий мақоллар	Ғурур, орномус, андишалик	Виждон, виждонсизлик	Ақллилик, ахлоқлик	Қўрқоқ ва ботирлик	Дангасалик, меҳнатсеварлик	Самимий, носамимий, муомалали	Жами
3	Oxford Concise Dictionary of Proverbs	1000 та =100%	10та= 1%	7та = 0.7%	11та = 1.1%	17та =1.7%	6та = 0.6%	4та = 0.4%	8та= 08%	63та= 6.3

Бу мақоллар миқдори ва унинг фоиздаги кўринишидан инсон характери тасвирлашда инглиз тилидаги мақоллар турлича тақсимланганлигини кўришимиз мумкин. Албатта бу инсоннинг қайси характериға эътиборни кучлилиги ва уларнинг қайси бири кўпроқ тилға олинганидан инглизларнинг ўзларини характери билиб олишимиз мумкин. Инглиз миллатининг энг улуғлайдиган характери бу ақллилик ва қоралайдиган инсон характери эса нодонлик деб қаралади. Улардан кейинги ўринларда виждонлилик,

самимийлик, ғурурлик, кўрқоқ ва дангасалик характерлари ўрин эгаллаган бўлса унга қарама-қарши тарзда ўзбек мақоллари бошқача тартибда келади. Ўзбек миллати ғурур, ор-номус ва андишани биринчи ўринга қуйишади ва бу ҳақида бошқа мақолларга нисбатан кўп мақоллар келтирилган 117та. Ундан кейинги ўринларни эса мардлик ва кўрқоқлик, ақллилик ва нодонлик, дангасалик ва меҳнатсеварлик, самимийлик ва носамимийлик, виждонлилик ва виждонсизлик ўрин олган. Бу рақамлардан кўриниб турибдики ўзбек ва инглиз миллати инсон характерини турлича баҳолашар ва танқид қилишар экан. Инглизлар биринчи ўринга донолик ва нодонлик характерларини қўйса ўзбек миллати эса ғурурлик, ор-номус, андишалилик характерларини кўп тилга олишади. Инглизларда энг кам миқдордаги мақоллар кўрқоқлик, ботирлик ва меҳнатсеварлик, дангасалик ҳақидаги мақоллар бўлса, ўзбек тилида эса самимийлик, носамимийлик ва виждонлилик ва виждонсизлик ҳақидаги мақоллар ҳисобланади.

### **Хулоса**

Тилшуносликда тадқиқот масалалари ҳозирда ривожланиб бормоқда ва бунга асосий сабаб тилшуносликнинг бўлимлари ҳисобланган лексикология, морфология, стилистикада қилинган тадқиқот ишларини рақамларда акс эттириш тилшуносликнинг энг қизиқарли методи бўлиб боришидир. Диссертациянинг учинчи бобининг биринчи бўлимида лингвистик статистика йузасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар, ривожланиш йўллари уларнинг турлари, вазифаси ҳақида маълумот берилган. Шу билан бирга Статистик лингвистика математик лингвистиканинг маълум бир қоидаларига бўйсиниши ҳақида маълумот бериб ўтилган. Шунингдек, лингвистикани асосий йўналишларидан бири ва статистик лингвистикага қизиқишнинг ортиши ва унинг устида изланишнинг олиб борилиши ва 1960-1980-йиллардаги статистика устида олиб борилаётган изланишлар айтиб ўтилди. Статистик ёндашувнинг ривожланишига асосий сабаб шундаки у таҳлилнинг бетартиб рақамлари билан ишлашда катта ёрдам беради. Бундай метод тил бирлигининг статистик хусусиятини кўрсатиб беради ват ил

тадқиқотининг математик методи деб номланади. Тилшуносликда статистик методнинг ўрганилишига биринчи қадамни Америкалик олим Г. Зипф томонидан олиб борилган. 3-боб 1-бўлимда олимларининг лингвистик статистика юзасидан олиб борган тадқиқоти ҳақида фикр тасвирланди.

Иккинчи бўлимда эса инсон ва унинг характериға оид мақолларнинг статистик таҳлили ва унинг икки тилда яъни инглиз ва ўзбек тилларидаги мақоллар миқдорий кўрсаткичи ва фоиздаги кўриниши ифодаланган. Берилган фоизлар бўйича уларнинг ўринлари берилиб икки тилда таққослаб кўрсатилди. Бунда жадвал кўриниши мақоллар миқдори ва фоизини тасвирлашда фойдаланилди. Барча жадваллар 6 тани ташкил этиб, 3та жадвал инглиз тилидаги мақолларни тасвирлаган бўлса, 3 таси ўзбек тилидаги мақолларни ўз ичига олади. 1-жадвалда ўзбек мақолларини луғат материалидаги жами сони, инсон ва унинг характериға тегишли мақоллар сони кўрсатилган. 2- жадвалда эса инсон ва унинг характериға оид мақолларни турларға бўлинганлиги ва уларни инсон характериға оид мақоллар сонига нисбатан фоизлари ҳам кўрсатиб ўтилган. 3-жадвалда эса ўзбек тилидаги инсон ва унинг характериға оид мақолларини ҳар бир турини луғат материалидаги барча мақоллар нисбатидаги фоизлари тасвирланган. 4- 5 ва 6- жадвалларида ўзбек тилидаги инсон ва унинг характери мавзусидаги мақоллари тасвирланганган 1-2-3- жадвалларида ҳам каби мақоллар фоизлар такрорланиб келган. Фақат жадвалда инглиз тилларидаги мақоллар тасвирланган. Ҳар бир жадвал нимани тасвирлаши ва қандай маълумот билан таъминланганлиги жадвал юқорисида бериб ўтилган. Мақолларнинг бундай жадваллар асосида берилиши уларни рақам ва фоиздаги кўринишларини аниқ қилиб ифода этишиға кўмак бўлади.

Шуни яна бир бор таъкидлаш зарурки, статистик таҳлил ҳозирги тилшуносликда тез суратда ривожланиб бораётган тилшунослик бўлимларидан ҳисобланиб, уни инсон ва унинг характери мавзусидаги мақолларнинг таҳлилида фойдаланилгани инглиз ва ўзбек мақолларини аниқ қилиб таққослақш имкониятини берди ва бу тушунарли тарзда таҳлил қилинди.

## УМУМИЙ ХУЛОСА

Юқорида келтириб ўтилганидек, мақоллар инсон яшаш фаолиятини ифодалаган оғзаки ижоднинг энг йирик муҳим бўлимларидан бири бўлиб, уни тилшунос олимлар томонидан ўрганилиб келиши мақолларнинг ҳар томонлама хусусиятларини янада кўрсатиб беришига ёрдам беради. Мақоллар ўзбек ва инглиз тилларда турли хил мавзуларда учрайди ва унинг барча хусусиятлари икки тил вакиллари томонидан бирдек қизиқиш билан ўрганилиб келинмоқда. Мақолларнинг катта қизиқиш билан ўрганилиши паремиологияни юқори суратда ривожланишига ва унинг келажакда ҳам янада яхши бўлиб тилшуносликнинг бир бўлими сифатида қаралишига катта имконият беради. Шу билан бирга, мақоллар тарихий кенг ривожланишга эга паремиологияни бир бўлими эканлигини қуйидаги мисоллар ҳам кўрсатиши мумкин. Мақоллар устида катта ишлардан бирини Америка тилшуноси В. И. Даль олиб борган. Мақоллар тўплашда энг яхши кўрсаткични кўрсатиб берган ва 30 мингдан ортиқ инглиз мақол ва маталларини ўз китобида тўплаганлиги кўришимиз мумкин. Худи шундай иш ўзбек тилшунослигида ҳам малга оширилган. Ўзбек мақолларининг энг йирик тўплами мақолшунос Тўра Мирзаев томонидан тўплаганлиги мақоллар бир тўпламга жамланиб мақоллар устида иш олиб бориш учун ёш мақолшунослар учун яхши қўлланма бўлиб келади. Шу билан бирга мақоллар тилшуносликнинг объекти сифатида ўрганилиши ҳам аҳамиятли ҳисобланиб, бунда ҳар хил миллат тилшуносларни бир бири билан қилинган илмий изланишларини таҳлил қилишлари ва мақолларни турли хил камровда ривожланишига ёрдам беради. Мақоллар турли хил халқлар тарихини, яшаш тарзини кўрсатади. Мақолларни фақат тарихий босқичларини ўрганиш уни ривожланишига ҳалақит бериши мумкин. Шу ўринда Америкалик тилшунос В. Мидер яратган мақолларнинг янги кўринишидаги луғати энг йирик замонавий мақоллар тўплами ҳисобланаркан



бу келажак авлод учун ва қилиниши мумкин бўлган илмий ишлар учун қўл келувчи манба ҳисобланади.

Мақолларни ҳар томонлама ўрганилиб унинг прагматик жиҳати ҳам олимлар томонидан ўрганилди. Буни энг аҳамиятли томони шундаки, маълум бир миллатнинг минталитети ва жамиятдаги халқнинг турмуш тарзини нақадар мақолларда кучли акс этиишини кўрсатишга ёрдам беради. Мақолларнинг прагматик жиҳатини таҳлил қилган тилшунос олимлар Арво Крикман ва Барбара Гимблет прагматика мақолларни семантик таҳлил қилинишда ижтимоий муҳитни таъсири катта эканлигини кўрсатиб беришди. (Крикман, 45р)

Мақолларнинг таҳлилида шеваларнинг ўрни ҳам алоҳида эътиборга эга. Ўзбек тилшуноси М. Садриддинов ўзбек мақолларини лаҳжа ва шевалар жиҳатдан ўрганди ва улар паремиологияга қандай аҳамиятли эканлигини айтиб ўтган. Шеваларни мақолларда кўрсатиш уларни синонимик жиҳатларини, халқнинг турли хил сўзлардан нима сабабдан фойдаланиши ва нега адабий нутқда фойдаланилмаслик сабаблари таҳлил қилинади. (Садриддинов, 156)

Мақоллар макон ва замон ўзгариши натижасида фойдаланишдан тўхташи мумкин ва бундай мақоллар жамиятдаги қонун қоидаларга мос келмаслиги натижасида йўқолиб боради ва улар ўрнини жамиятнинг янги муҳитига мос равишда мақоллар яратилишига олиб келади. Тилшуносларнинг мақоллар устида доимий иш олиб бориши мақоллардаги ўзгаришларни, уларни жамиятдаги таъсирини таҳлил қилишга катта кўмак бўлади. Мақолшунослар томонидан мақоллар ҳақидаги назария мақолларни ҳар томонлама тушинишимизга ва барча халқлар мақолларини бир қолиб асосида ўқашликлари ва фарқлари билан таҳлил қилишга ёрдам беради.

Шуни қўшимча қилиш мумкинки, мақоллар тилшунослик фани объекти сифатида ўрганилиб, кўпгина олимларни илмий қизиқишига олиб келинаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Мақоллар халқ

маънавиятининг акси сифатида намоён булади ва авлоддан авлодга оғзаки ва ёзма тарзда ўтиб келади. Бу эса келгусида кўплаб илмий тадқиқотларга асос бўлади ва уларни ўрганиш тилшуносликни янги ютуқларга олиб келади.

Мақолларнинг маъноларини ўрганиш энг аҳамиятлидир. Бу ўша миллат тарихий характерини ўрганишга қўл келади. Шу билан бирга уларни фойдаланувчи халқнинг характерини аниқлашда ёрдам беради. Диссертацияда берилган маълумотларда мақолларни нафақат икки тил(инглиз ва ўзбек) ҳар хил миллатлар ўртасида яъни миллатлараро ўхшашликлари ва фарқларини таҳлил қилишимиз мумкин. Мақоллардаги турли шароитларда ҳудудларда учрагани сабабли улар турли хил кўринишларда ўз аксини топади. Учрайдиган мавзулар халқлар турмуш шароитидан уларни географик жойлашувидан ва уларни яшаётган муҳитдан келиб чиққан ҳолатда иужудга келади. Баъзи бир мақолшнослар томонидан исотланганини кўришимиз мумкин. Ш ўринда Ватер Граунберг фикрларини келтириб ўтдик. Ватер ўзини изланишлари натижасида мақоллар маълум бир миллатга хос бўлмайди деб ҳисоблайди ва барча миллатлар ҳатти ҳаракатини ифодалайди деган фикрларини айтиб ўтади. Диссертацияда мақолларни халқларда турлича ифодаланиши билан бирга уларни бирлаштириб туруви ўхшашликлари ҳам таҳлил қилинган. Барча мақолларда учрайдиган ритмик қофия, метафора ва аллитирация ҳодисаларни барча мақолларни бирдай хусусияти сифатида қаралади. Шу билан бирга инглиз мақолларини семантикаси инсон ва унинг характери мавзуси остида таҳлил қилинди ва бу классификация Америкалик тилшунос Лйоннинг мақоллар семантик классификацияси асосида таҳлил қилинди. Барча мақоллар таҳлили асарларда келтирилган мисоллар орқали бериб чиқилди. Бундан ташқари берилган инглиз мақоллари ўзбек тилидаги экваленти, аналогии ёки тўғридан тўғри таржима усулидан фойдаланилиб таржима қилинди. 3-бўлимда эса ўзбек тилидаги инсон характерига оид мақолларни семантик таҳлили кўрсатиб ўтилди. Инглиз мақолларидан фарқли ўлароқ мақолларни синоним вариантлари кенгроқ қилиб берилди. Бунга асосий сабаб сифатида ўзбек

мақоллари орасида инсон характерига оид мақоллар инглиз мақолларидан кўра кўп учрашидир. Шу билан бирга ўзбек мақолларидаги синонимлик хусусиятларини мавжудлиги ва маънодош мақолларни кузатиш натижасида баъзи мақоллар ягона маънога эга бўлишини кўришимиз мумкин, бошқа мақоллар эса бир неча маънога эга бўлиб, ҳар қайси маъноси билан алоҳида-алоҳида синонимик қатор ташкил этиши таҳлил қилинди. Ўзбек мақолларини ҳар томонлама изланишлар олиб борилиб унинг шеваларга хос хусусиятлари ҳам кўрсатиб берилди. Шунингдек инглиз ва ўзбек тилидаги мақоллар ўхшашликлари ва фарқлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Инглиз ва ўзбек тилларидаги таҳлил уларни таржима давомида муҳим хусусиятларини ёритиб беришга кўмаклашди. Таржиманинг бундай кўриниши инглиз тилидан ўзбек тилидаги мақолларни тушунарли қилиб етқизишда ёрдам беради. Мақолларни бошқа тилларга таржима қилишда бир нечта турлари ҳам тушунтириб берилган.

Мақоллар таржимасида барча таржима усуллар фойдаланилади. Баъзи ҳолатларда инглиз ва ўзбек тиллардаги мақоллар прагматик, стилистик жиҳатдан тўлиғича мос келади ва улар ифодалаётган тасвир ҳам бир хил бўладиган мақоллар ва шу ўринда икки тил мақолларида ҳар хил ликсемали аммо бир хил мазмунни ифодалаган мақоллар мисол тарзида берилди.

Шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, мақоллар семантикасини таҳлил қилиш уларни маълум бир миллатга хос хусусиятини очиб беришда ўрни беқиёсдир ва уларни кўп тилшунослар томонидан баҳс мунозарага сабаб бўлиши мақоллар семантикасида ҳали ҳам тўлиғича таҳлил остига олинмаган жабҳалар мавжудлигидан далолат беради. Шу сабабли ҳали бу соҳа янги авлод тилшунослари томонидан ўрганилишига сабаб бўлади.

Тилшуносликда тадқиқот масалалари ҳозирда ривожланиб бормоқда ва бунга асосий сабаб тилшуносликнинг бўлимлари ҳисобланган лексикология, морфология, стилистикада қилинган тадқиқот ишларини рақамларда акс эттириш тилшуносликнинг энг қизиқарли методи бўлиб боришидир. Диссертациянинг

учинчи бобининг биринчи бўлимида лингвистик статистика йузасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар, ривожланиш йўллари уларнинг турлари, вазифаси ҳақида маълумот берилган. Шу билан бирга Статистик лингвистика математик лингвистиканинг маълум бир қоидаларига бўйсиниши ҳақида маълумот бериб ўтилган. Шунингдек, лингвистикани асосий йўналишларидан бири ва статистик лингвистикага қизиқишнинг ортиши ва унинг устида изланишнинг олиб борилиши ва 1960-1980-йиллардаги статистика устида олиб борилаётган изланишлар айтиб ўтилди. Статистик ёндашувнинг ривожланишига асосий сабаб шундаки у таҳлилнинг бетартиб рақамлари билан ишлашда катта ёрдам беради. Бундай метод тил бирлигининг статистик хусусиятини кўрсатиб беради ват ил тадқиқотининг математик методи деб номланади. Тилшуносликда Америкалик олим Г. Зипф ишлари ҳам ўрганилиб у ўзини статистик лингвистикага катта ҳисса қўшганлиги билан аҳамиятлидир. диссертациянинг 3-боб олимларининг лингвистик статистика юзасидан олиб борган тадқиқоти ҳақида фикр тасвирланди. Унинг иккинчи бўлимида эса инсон ва унинг характериға оид мақолларнинг статистик таҳлили ва унинг икки тилда яъни инглиз ва ўзбек тилларидаги мақоллар миқдорий кўрсаткичи ва фоиздаги кўриниши ифодаланган. Берилган фоизлар бўйича уларнинг ўринлари берилиб икки тилда таққослаб кўрсатилди. Бунда жадвал кўриниши мақоллар миқдори ва фоизини тасвирлашда фойдаланилди.

Ушбу диссертацияда мақолларни ҳар томонлама таҳлили кўрсатиб берилди ва бу таҳлил ёрдамида мақолларнинг барча хусусиятларини билиш имконини беради. Мақоллар семантикасини таҳлили уни маъно жиҳатдан синонимларға ва антонимларға эға бўлишини кўрсатса, мақолларни лингвистиканинг бир бўлими сифатида таҳлил қилиниши уни назарий жиҳатдан ривожланиш тарихини уни ҳозирги кундаги ҳолатини кўрсатиб беради. Лингвостатистик таҳлили эса ўрганилган мақолларнинг миқдрий кўрсаткичини таҳлил қилиб беради. Мақолларни бундай кенг қамровли ўрганилиш уларни келажак авлодға уларни янада тушунарли қилиб ифодалашға кўмак беради.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I Сиёсий адабиётлар:

1. Каримов И. А “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т. Ўзбекистон 1998,56-бет.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 35 б.

### II Илмий адабиётлар:

1. Амосова Н. Н. Основы английской фразеологии. - Изд. Ленинградского университета. – Л., 1961. – 207 с.
2. Апресян Ю.Д. О свободных и фразеологических связях внутри слова, словосочетания и словообразовательного типа //Труды СамГУ им А.Навои. Вып №178. Вопросы фразеологии III. – Самарканд, 1978. – С. 14-28.
3. Арнольд И. В. Лексикология современного языка (на английском языке). – М.: Изд. Высшая школа, 1973. – С. 140-161.
4. Арнольд И. В. О контекстуальном значении и семантической структуре слова. //Английская филология. – Л., 1965. – С. 29-41.
5. Арнольд И. В. Оппозиции в семасиологии // Вопросы языкознания. – 1966. №2 – 106 с.
6. Арнольд И. В. Стилистика современного английского языка. – Л.: Просвещение, 1981. – С. 128-130.
8. Апресян Ю. Д. Современные методы изучения значений и некоторые проблемы структурной лингвистики // Проблемы структурной лингвистики. – М., 1963. – С. 102-150.

9. Арсентьева Е. Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц (на материале фразеологических единиц семантически ориентированных на человека в английском и русском языках) – Казань: изд. Казанского университета, 1989. – 126 с.

10. Алиева Г. Х. Сопоставительный анализ фразеологических единиц, характеризующих внешность человека в английском и турецком языках: Автореферат дис. канд. фил. наук.– Казань, 1999. – 24 с.

11. Амна А. А. Национально-культурное своеобразие русской и арабской фразеологии (на материале переводов художественного текста): Автореферат дис. ...канд. филол. наук. – М., 1998. – 22 с.

12. Алехина А.И. Фразеологическая антонимия в современном английском языке. Автореферат дис....канд. фил. наука дис. – М., 1968. – 24 с.

13. Атаева Г. М. Междоментная фразеология в словаре. Автореферат дисс. канд. фил. наук. – Т., 1990. – 15 с.

14. Балли Шарль. Французская стилистика. – Москва, 1961. – 192 с.

15. Болотов В.И. Лексическое значение, смысл, энциклопедическое значение имени собственного и его эквивалентов в социальных полях. // Проблемы билингвизма и интерференции. – Т., 2001. – С. 44-48.

16. Булаховский Л. А. Семасиологические этюды. Славянские наименования птиц. // Ученые записи Львовского гос. Унив. им. И. Франко. – Львов, 1948. – 34 с.

17. Буранов Дж. Б. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – Москва: Высшая школа, 1983. – 267 с.

18.Бушуй А.М. О методике организации фразеологической работы в системно - уровневом плане. // Междувузовский сборник научных трудов. Выпуск - 4. – Т., 2000. – С. 87-93.

19.Бушуй А.М. Тавтологический способ структурообразования фразеологических единиц. (К вопросу фразеологической типологии) // Материалы XXV научной конференции СамГУ. – Самарканд, 1968. – С. 73-77.

20.Бушуй Т.А. Системно-уровневое направление общей лингвистики и интерпретация фразеологии текста. // “Матн ва унинг талқини” халқаро илмий-назарий конференция материаллари. - Самарқанд: СамДЧТИ, 2000. – С. 29- 38.

21.Бушуй Т.А. Об общей теории контрастивной фразеографии // Преподавание языка и литературы. – 2001. №6. – С. 19-24

22.Базарова Д.Х. К этимологии некоторых древнетюркских названий птиц // Тюркология, 1975. № 4. – С. 11-22.

23.Бакиров П.У. Семантика и структура номинацентрических пословиц. – Ташкент: «Фан», 2006. – 297 с.

24.Березович Е.Л. К этнолингвистической интерпретации семантических полей // Вопросы языкознания. – 2004. №4. – С. 3-24.

25.Бакиева Г Х., Башатова Н.А. Структура значения общественно-политических фразеологизмов в исследовательском и методическом аспектах. //- Сборник научных статей. – Ташкент: ТашГУ, 1993, – С. 61 - 65.

26.Бураков М. Термины животноводства в узбекских говорах Каракалпакии. Автореферат дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1972. – 23 с.

27.Войтик Л.С. О национальной своеобразии смысловой структуры слова. - // Проблемы преподавания иностранных языков в языкознании. – Алма-Ата, 1979. – С. 40-47.

28.ван Дейк Т.А. и В.Кинч. Стратегии понимания связного текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XXIII. Когнитивные аспекты языка. – М.: Прогресс, 1998. – С. 153-211.

29.ван Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. // Сборник работ. – М.: Прогресс, 1989. – 312 с.

30.Войтик Л.С. К вопросу о смысловой структуре слова, (на материале лексико-семантической группы наименований животных) – Автореферат, дисс. канд. филол наук. – Алма-Ата, 1980. – 18 с.

31.Гак В.Г Семантика структуры слова как компонент семантической структуры высказывания. // Семантическая структура слова. Психолингвистические исследования. – Москва: «Наука», 1973. – С. 78-95.

32.Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. – Москва: «Просвещение», 1989. – 287 с.

33.Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. – М.: «Высшая школа», 1987. – 90 с.

34.Гулыга Е.В., Шендельс Е.И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке. – М.: «Просвещение», 1969. – 184 с.

35.Глазырина С. А. Стилистическое использование сложного слова в художественном тексте. // Сборник научных трудов. – ТашГУ, 1989. – С. 67-74.

36.Гюббенет И.В., Черезова Т.Л. Слова «кошка» и «собака» как лингвострановедческая и лексикографическая проблема. // Вестник



Московского университета. Серия 19. Лингвистика и межкультурная коммуникация. – 2004. №2. – С. 55-60.

37.Газарова Г.М. Стилистика фразеологии в словаре. (Типологический анализ на материалах английского и русского языков): Автореферат, дисс. канд. филол наук. – Сам., 1994. – 19 с.

38.Дементьева М.Ю. Номинативно-когнитивный аспект семантики фразеологизмов и слова (на материале тематической группы “речевая деятельность” в русском языке. В сопоставлении с английским): Автореферат дис.....канд. филол. наук. – 2002. – 23 с.

39.Ирискулов М. Т. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 256 б.

40.Икрамов Т.Т. Фразеологические единицы с фиксированным глагольным компонентом в императиве в современном английском языке: Автореферат дисс. канд. филол. наук. – М., 1978. – 22 с.

41.Исамухамедова Н.Н. Стилистическая адекватность перевода художественного текста (на материале произведений на английском языке и их переводов на русский и узбекский языки): Автореферат дисс. канд. филол наук. – Т., 2007. – 23 с.

42.Каменецкайте Н.Л. Синонимы в английской фразеологии - Изд., Международные отношения. – Москва, 1971. – 367 с.

43.Кунин А. В. Английская фразеология. – М.: Изд. Высшая школа, 1970. – 344 с.

44.Киссел Ю.Я. Проблемы американских заимствований в фразеологии британского варианта современного английского языка // Сборник научных трудов. МГПИИЯ. Вып. 98. – М., 1976. – С. 71-84.

45.Курилович Е. Заметки о значении слова // Вопросы языкознания. – 1955. - №3. – С. 71-87.

46.Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М.-Л.: Наука, 1965. – 110 с.

47.Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – Москва: Высшая школа, 1986. – 336 с.

48.Кунин А. В. О соотносительности фразеологической единицы со словом // Труды СамГУ им.А.Навои. Вопросы фразеологии III. – Самарканд, 1978. – С. 94-112.

49.Каменецкайте Н.Л. Характер синонимии в глагольных фразеологических единицах в современном английском языке: Автореферат дисс.канд. филол.наук. – М., 1960. – 20 с.

50.Клушин Н.А. Зоо и фитоморфные характеристики человека в английской разговорной речи: Автореферат дисс. канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 1991. – 22 с.

51.Куныгина О.В. Структурные и семантические свойства и отношения класса фразеологизмов-частиц: Автореферат дис. канд. филол. наук – Челябинск, 2000. – 24 с.

52.Литвин Ф.А. Многозначность слова в языке и речи. – М.: Высшая школа, 1984. – 119 с.

53.Лайонз Джон. Введение в теоретическую лингвистику. – М.: Прогресс, 1978. – 543 с.

54.Литвин Ф.А. Об изучении разновидностей зооморфной характеристики (на материале английского языка). - // В помощь

преподавателям иностранных языков. – Новосибирск, 1974. вып 5. – С. 81-92.

55.Литвин Ф. А. Зооморфизм в синтаксической позиции определения.(на материале английского языка) // Актуальные проблемы лексикологии и словообразования. – Новосибирск, 1975. – С. 20-28.

56.Литвин Ф. А. Сопоставительное изучение зоонимов в русском и английском языках. // Англо-русские языковые соответствия.–М., 1981.– 34 с.

57.Lyon S.J. Semantics Vol.1. Cambridge: Cambridge University press 1977.

58.Palmer F.R. Semantics. 2<sup>nd</sup> Cambridge: Cambridge University Press,1981.

59.Маккормак Эрл. Когнитивная теория метафоры // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С. 358-386.

60.Маматов А.Э. Вариантлаш фразеологик шаклланишнинг воситаси сифатида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 1999. - 5-6 сон. – Б. 71- 76.

61.Маматов А.Э.Лексико-фразеологическая норма в узбекском языке. Автореферат дисс. доктора филол.наук. – Ташкент, 1991. – 51 с.

62.Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2000. – 56 б.

63.Малоха М.Ф. Фразеология и национальная картина мира. Фразеологизмы с компонентом-названием дерева в восточнославянских и польском языках: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Минск, 1996. – 23 с.

64.Маслова В.А. Лингвокультурология. 2-е издание. – М.: Academia, 2004. – 204 с.

65.Муминов А.М. О фразеологической продуктивности слов в современном английском языке. // Иностранные языки в вузах Узбекистана. – Т.: Научные труды. №587, 1979. – 91 с.

66.Муминов А. М. Наблюдение над префиксальной деривацией в современном английском словообразовании. // Матн ва унинг талқини. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2000. – С. 170 - 175.

67.Муминов Т. А. Рекурсивное использование лексем как проявление принципа экономии. // Матн ва унинг талқини. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2000. – С. 48-49.

68.Norrick N.R. "Speech is silver"/ The proverbial View Language".1971, p271.

69.Никитин М.В. Лексическое значение слова. – М., Высшая школа, 1983. – 127 с.

70.Ожегова С.И. О структуре фразеологии (в связи с проектом фразеологического словаря русского языка). // Лексикографический сборник. Вып. II. – М., 1957. – 40 с.

71.Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Лексикология ва фразеология. – Тошкент, 1969. – 145 б.

72.Поливанов Е. Д. Введение в языкознание для востоковедных вузов. Издание второе. – М., 2002. – 220 с.

73.Расулова М. И. Проблемы лексической категоризации в лингвистике: Автореф. дисс. доктора филол. наук. – Т.: УзГУМЯ, 1998.– 34 с.

74.Расулова М. И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Ташкент: «Фан», 2005. – 268 с.

75.Раҳматуллаев Ш. Феъл туркумига тўғри келувчи фразеологик бирликларнинг грамматик қурилишининг асосий кўринишлари. // ТошДУ. Илмий ишлари. 104- чиқ. – Тошкент, 1957. – Б. 120 -136.

76.Ройзензон Л.И. Фразеологизация как лингвистическое явление // Труды СамГУ им А.Навои. Выпуск №3. Изд. СамГУ. – Самарканд, 1961. – С. 101-117.

77.Сафина Р.А. Фразеологические единицы, выражающие материально-денежные отношения в немецком и русском языках: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Казань, 2002. – 21 с.

78.Саломов Ғ. Мақол ва идиомалар таржимаси.– Тошкент, 1961.– 159 б.

79.Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: «Фан», 1966. – 383 б.

80.Смирницкий М. Лексикология английского языка. – М.,1956. – С. 21-22.

81.Смит Логан. Н. Фразеология английского языка. Перевод А.С. Игнатьева. – М., 1959. – 207 с.

82.Соссюр Ф. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – 695 с.

83.Телия В.Н. О вариантности слов и вариантности идиом // Труды СамГУ им А.Навои. Выпуск 178. Вопросы фразеологии III. – Самарканд, 1978. - С. 172-188.

84.Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологические аспекты. – М., 1996. – 168 с.

85.Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Лексикология. Фонетика. Морфология. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 175 б.

86.Тухтаева К.Д. Структурные и семантико-номинативные характеристики сложных слов, входящих в состав фразеологизмов (на материале английского языка): Автореферат дис. канд. филол. наук. – Т., 2006. – 23 с.

87.Умарходжаев М.И. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря (на материале немецкого, узбекского и русского языков): Автореферат дис. канд. филол. наук. – М., 1972. – 27 с.

88.Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. – Ташкент: «Фан», 1983. – 132 с.

89.Уфимцева А.А. Слово в лексико семантической системе языка. – М.: Наука, 1968. – 272 с.

90.Худайберганаева М.К. Глагольные фразеологические единицы со значением состояния лица в английских и узбекских текстах: Автореф. дис. ...канд. филол.наук. – Ташкент, 1983. – 24 с.

91.Хамматова А.Ш. Сопоставительное исследование глагольных фразеологизмов с компонентами – глаголами динамики в английском и турецком языках: Автореф.дис. ... канд. филол. наук. – Казань, 1999. – 24 с.

92.Хайруллина Р.Х. Картина мира во фразеологии: Автореферат дис. ... докт.филол.наук. – М., 1997. – 50 с.

93.Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине мира: Автореферат. дис. ... канд.филол.наук. – Т., 1999. – 21 с.

94.Широков О.С. Языковедение. Введение в науку о языках. «Studia Academica». – М.: Добросвет, 2003. – 734 с.

95.Щур Г.С. Теория поля в лингвистике. – М.: Наука, 1974. – 255 с.

96.Юсупов У. К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Ташкент: «Фан», 2007. – 125 с.

97.Юсупов У. К. Проблемы сопоставительной лингвистики: Автореферат дисс. ... доктора фил. наук. – М., 1983. – 40 с.

98. Юсупов У.К. Сопоставительная лингвистика как самостоятельная дисциплина // Методы сопоставительного изучения языков. – М.: Наука, 1988. – С. 6-11.

99.Юсупов У.К. Сравнение лексических систем // Қиёсий тилшунослик ва таржима назарияси масалалари. Республика илмий анжуманининг мақолалар тўплами. – Тошкент, 2007. – С. 12-16.

100.Ҳозирги замон ўзбек тили. Лексикология. Фонетика. Графика ва орфография. Морфология. Фахри Камол таҳрири остида. – Т., 1957. – 526 б.

101.Chomsky Noam. The current scene in Linguistics: Present Directions // Landmarks of American Language and Linguistics. Vol.I. Editor F.Smolinski. – Washington, 1993. – P. 253-261.

102.Croft William. Typology and Universals.Second edition Cambridge University Press. – 2003. – 341 p.

103.Crystal David. English as a global Language: Second edition. Cambridge University Press. – 2003. – 212 p.

104.Crystal David. Linguistics.Second edition. Penguin books. – 1990. – 276 p.

105.Fromkin V., Rodman R. An Introduction to Language. Harcourt Brace College Publishers. – 1993. – 545 p.

106. Haspelmath Martin. Understanding Morphology. – London, 2002. – 290 p.

107. Hatim Basil, Munday J. Translation. An Advanced Resource Book. Routledge. – London: N.Y., 2004. – 373 p.

108. Hatim Basil. Teaching and Researching Translation. Pearson. Education Ltd. 2001. – 254 p.

109. Paltridge Brian. Discourse Analysis. An Introduction. YHT Ltd. – London: 2006. – 244 p.

110. Pinker Steven. The language Instinct. Harper Perennial. 1994. – 494 p.

111. Scovel Thomas. Psycholinguistics. Oxford Univ. Press. 1998. – 135 p.

### **III. Луғатлар:**

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқа этимологик луғати. – Т., 2003. – 485 б.

2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т., 1978. – 465 б.

3. Содиқова М. Русча – ўзбекча фразеологик луғат. – Т., 1972. – 334 б.

4. Тўра Мирзаев., Ўзбек халқ мақоллари изоҳли луғати. – Т., 2012. – 512 б.

5. Большой англо-русский словарь. (Кратко БАРС) под. Ред. И.Р. Гальперина. М.: Русский язык. Том I, А-М. 1987.-1034 с. Том II, N-Z . – 1988. – 1072 с.

6. Лубенская С.И. Большой русско-английский фразеологический словарь. – М.: АСТ-Пресс, 2004. – 1018 с.



7. Crystal D. A Dictionary of Linguistics and Phonetics. Blackwell Publishing. Fifth Edition. 2003. – 611 p.

8. Oxford Concise Dictionary of Proverbs/ Simpson J. va Speake J- Oxford University Press, 2003- e-book copyright 2003,- 1000 proverbs.)

9. Websters New World Dictionary of The American Language. College edition. – Cleveland and N.Y., 1966. – 1724 p.

10. Lablin Shelley Vance, Laftin A. Concise Collection of American English Idioms for Everybody Use. "Something to crow about" USIS. 1995. – 94 p.

11. Longman New Universal Dictionary. – Norwich: Jarrold and Sone Ltd., 1982. (қисқача L. N. U. D)

12. The American Heritage Dictionary of the English language. Edited by Makkai William - Publ. By Houghton miff lin. Company. – Boston, 1979.

13. Seid J., Mc. Mordie. W. English idioms and how to use them. – M.: Vysšaja shkola, 1983. – 265 p.

14. Smith W. Y. The Oxford Dictionary of English proverbs. – Oxford., 1936.

15. Benson M., Benson E., Ilson R. The BBI Combinatory Dictionary of English. Спец. издание. Джон Бенджаминс Паблшинг Компании. Амстердам / Филадельфия, «Русский язык». – Москва, 1990. – 286 с.

#### **IV. Интернет тармоғидан олинган адабиётлар.**

1. [http://www.tsu.tmn.ru/Language and literature.](http://www.tsu.tmn.ru/Language%20and%20literature)

2. <http://www.tsu.tmn.ru/> Шмелева Т. М. Существительные полиэталоны в английских устойчивых сравнениях // Актуальные проблемы психолингвистики. – Тверь, 1996.

# Илова

## **ИЛОБА 1**

- 1)Of evil grain, no good seed can come.
- 2)Cut off a dog's tail and he will be a dog still.
- 3)The leopard cannot change his spots.
- 4)You cannot make a silk purse out of a sow's ear.
- 5)You cannot make a crab walk straight.
- 6)When wealth is lost, nothing is lost. When health is lost, something is lost. When character is lost, all is lost.
- 7)A man never discloses his own character so clearly as when he describes another's.
- 8)Character is a diamond which scratches every other stone.
- 9)BETTER a good cow than a cow of a good kind.
- 10)A good character is better than a distinguished family.

Ғурур, ор- номус, андиша

- 1)ONCE bitten, twice shy.
- 2)EAGLES don't catch flies
- 3)The EARLY bird catches the worm
- 4)IGNORANCE of the law is no excuse for breaking it.
- 5)PRIDE feels no pain.
- 6)you can take a HORSE to the water, but you can't make him drink.
- 7)The FIRST duty of a soldier is obedience

Виждон ва виждонсизлик

- 1)A BELLOWING cow soon forgets her calf
- 2)If you want to LIVE and thrive, let the spider run alive
- 4)A LIAR ought to have a good memory
- 5)CONFESSION is good for the soul
- 6)CONSCIENCE makes cowards of us all
- 7)A GUILTY conscience needs no accuser.
- 8)while TWO dogs are fighting for a bone, a third runs away with it;
- 9)DO right and fear no man;
- 10)be JUST before you're generous.
- 11)HANG a thief when he's young, and he'll no' steal when he's old

Ақллилик ва нодонлик

- 1)A BAD workman blames his tools
- 2)FOOLS and bairns should never see half-done work;
- 3)A BARKING dog never bites
- 4)Foolish or witless persons are the most talkative or noisy;
- 5)The EYE of a master does more work than both his hands
- 6)FOOLS rush in where angels fear to tread.
- 7)A FOOL at forty is a fool indeed
- 8)FOOL me once, shame on you; fool me twice, shame on me
- 9)FOOLS ask questions that wise men cannot answer.
- 10)FOOLS build houses and wise men live in them.

- 11) One cannot LOVE and be wise.
- 12) MORE people know Tom Fool than Tom Fool knows.
- 13) Who KNOWS most, speaks least.
- 14) It is a WISE child that knows its own father.
- 15) Set a BEGGAR on horseback, and he'll ride to the Devil
- 16) The HIGHER the monkey climbs the more he shows his tail

### **Мардлик ва қўрқоқлик**

- 1) COWARDS die many times before their death
- 2) If you can't BEAT them, join them.
- 3) None but the BRAVE deserve the fair.
- 4) He who FIGHTS and runs away, may live to fight another day.
- 5) A BULLY is always a coward.
- 6) He that COMPLIES against his will is of his own opinion still.

### **Меҳнатсеварлик ва дангасалик**

- 1) As good be an ADDLED egg as an idle bird.
- 2) He who CAN, does; he who cannot, teaches.
- 3) An IDLE brain is the Devil's workshop.
- 4) All WORK and no play makes Jack a dull boy.

### **Самимийлик ва носамимийлик, xushmuomalalik**

- 1) IMITATION is the sincerest form of flattery.
- 2) A GOOD horse cannot be of a bad colour.
- 3) Everyone SPEAKS well of the bridge which carries him over;

4)BE what you would seem to be

5)CHILDREN and fools tell the truth

6)You can't tell a BOOK by its cover

7)EVIL communications corrupt good manners.

8)CIVILITY costs nothing.

## **Илова 2**

### **Характер ҳақида**

Ўрик ўрикни кўриб оқарар.

Қовун қовундан ранг олар.

Узум узумдан шира олар.

Аталадан суяк чиқибди.

Кесакдан олов чиқибди.

Қарқуноқдан булбул чиқибди.

От тепкесини от кўтарар.

Ўрдак ўрдак билан учар

Ғоз ғоз билан учар.

Ит итнинг қуйриғини босмайди.

### **Меҳнатсеварлик ва ишёқмаслик**

Ари заҳрин чекмаган

Бол қадрини билмас.

Аҳмоқнинг кулгуси кўп,

Дангасанинг – уйқуси.

Бекордан худо безор.

Бермас тангридан ҳормас овчи олар.

Гап десанг, қоп-қоп,

Иш десанг- бетоб.

Гап десанг, қоп- қоп,

Иш десанг- бетоб.

Гапга- чечан,  
ишга мечан.

Дангасага иш буюрсанг,  
Отангдан ортиқ насиҳат қилар.

Дангасанинг важи кўп,  
Оҳангсизнинг – авжи.

Дангасининг иши битмас,  
Ёз келса ҳам қиши битмас.

Доно- бир жойда,  
Дангаса- ҳар жойда.

Ёз бор, қиш бор,  
Дангасага на иш бор.

Иш деса , айёр,  
Ош деса, тайёр.

Иш иштаҳа очар,  
Дангаса ишдан қочар.

Ишчан тилаги – тонг отса қолса,  
Эринчак тилаги – кун бота қолса.

Йигит деган эр бўлар,  
Меҳнат кўрса, шер бўлар.

Йигит хусни – меҳнатда.

Эринчоқни эр олмас,  
Эр олса ҳам кўп қолмас.

Эринчоқнинг қўли қисқа,  
Эринмаганни- йўли.



Эринчоқнинг қўли қисқа,  
Эринмаганнинг- йўли.

Ялқов асли қуш бўлмас,  
Қуш бўлса ҳам уча олмас.

Ялқов бўлса ўғлонинг,  
Ердан нон термас.  
Абжир бўлса ўғлонинг,  
Чўлдан дон терар.

Қўрқоқнинг кўзи катта,  
Дангасанинг – сўзи.

### **Ботирлик ва қўрқоқлик**

Арслон изидан қайтмас,  
Йигит – сўзидан.

Бедана ботир бовдан ер,  
Ботир йигит ёвдан ер.

Беш қўрқоққа- бир қарға.

Битмас ишнинг бошига,  
Ботир келар қошига.

Ботир ботир эмас,  
Жон сақлаган- ботир.

Ботир ботқоқдан ҳам ўтар,  
Қатқоқдан ҳам.

Ботир бақоллик қилмас,  
Қўрқоқ қочиб қутулмас.

Ботир ёвда билинар,  
Сўзчи- довда.

Ботир жони сабилдир,  
Ёмон жони азиздир.

Ботир ишнинг бошида,  
Яхши келар қошига.

Ботир милтиқсиз бўлмас,  
Балиқ- қилтиқсиз.

Ботир ўлса, номи қолар,  
Номард ўлса , нимаси қолар.

Ботир қийинни йингар,  
Номард бўйинни эгар.

Ботирнинг кулгани – элнинг кулгани.

Ботирнинг мушти – ишонган дўсти.

Бўлсанг агар кўрқоқ,  
Бошинга ўйнар тўқмоқ.

Бўридан кўрққан тўқайга кирмас.

Довни енган ботир эмас,  
Ёвни енган ботир.

Ёвдан кўрққан ёвга дўст,  
Элни суйган –элга.

Итни овга борганда сина,  
Йигитни – ёвга борганда.

Йўлбарсни енган эмас,  
жаҳлни енган ботир.

Мерган овда билинар,  
Ботир – ёвда.

Муллали овул – қўрқоқ,  
Бахшили овул – ботир.

Ношуд кетганда мақтанар,  
Ботир- қайтганда.

Одам сафарда билинар,  
Ботир хатарда.

От хурккан еридан ўтмас,  
Эр – қўрққан еридан.

Тилингни ботир қилма,  
Ўзингни ботир қил.

Тулкидан шер чиқмасин,  
Қўрқоқдан эр чиқмасин.

Туянинг хурккани ёмон,  
Тентакнинг- қўрққани.

Хоин қони челаққа томар,  
Ботир қони – юракка.

Шер боласи овни енгар,  
Эр боласи- ёвни.

Янтоқдан атир чиқмас,  
Қўрқоқдан –ботир.

Ўттизида эр атанган,  
Қирқида шер атанар.

Қочоққа шафқат йўқ,  
Қўрқоққа – ҳурмат.

Қўрқоқ бўлма, ботир бўл,  
Ўз эллингга шотир бўл.

Қўрқоқ ўлмасдан бурун ўлар,  
Ўликдан нима кутиб бўлар.

Қўрқоққа қўй боши қўш кўринар,  
Қўмшоғи билан беш кўринар.

Қўрқсанг - айтма,  
Айтсанг қўрқма.

### **Ор номус, ғурурлилик, андиша.**

Беномусга не номус.

Бор борини ейди,  
уятсиз орини.

Йигитнинг хуни – юз елқи,  
Ор-номус- минг елқи.

Йигитнинг хуни – юз танга,  
Ор- номуси минг танга.

Йигитнинг хуни – юз танга,  
Ор- номуси – минг танга.

Одамни номус ўлдирар,  
Қуённи – қамиш.

Орли орига қараса  
Орсиз енгдим дер.

Орли орланиб турар,  
Орсиз еб турар.

Орсизда ақл бўлмас ,  
Ақл бўлса ҳам нақл бўлмас.

Отали етим- орсиз етим,  
Онали етим -орли етим.

Пастан тоғда қор бўлмас,  
Ароққўрда ор.

Тоғ қошида қор бўлар,  
Эр кишида ор бўлар.

Хато қилмоқлик бордир,  
Тузатмаслик ордир.

Эман дарахтининг эгилгани – сингани,  
Эр йигитнинг уялгани- улгани.

Эр номуси – эл номуси.

Эчкида эт йўк,  
Орсизда - бет.

Яхши қилар ор,  
Ёмондан ҳамма безор.

Ғар бўл, ўғри бўл, инсофли бўл.

Ғунажин кўз сузмаса,  
Буқача ип узмаса.

Ҳаёлиси бола кўрса, онаман дер,  
Таннозлари ўз боласини укам дер.

Ҳаёси йўқнинг имони йўқ.

Ҳаёсизга ҳар кун ҳайит.

Димоғдорга бир гап оз,  
Икки гап кўп.

Ичак қорин гўшт бўлмас,  
Лаганбардор дўст бўлмас.

Ноўрин ғурур бошга бало.

Ростини айтсанг, урарлар,  
Хушомадни суярлар.

Хушомад сўзлаган тил  
Ялаб-ялаб яра этар.

Эгилганга букилма.

Ҳар одамга сунма асло бўйнингни,  
Пуч ёнғоққа тулдиради қўйнингни.

Ҳақни айтса, урарлар,  
Хушомадни суярлар.  
Хушомадни суймаса,  
Калтак олиб қуварлар.

**Самимийлик ва носамимийлик.**

Бошлиқ тўра бўлса,  
Лаганбардор кўпаяр.

Ер ёмони- бозор жой,  
Чўп ёмони –кўға,  
Одам ёмони сипоҳи.

Кўзи билан ўпади,  
Дили билан тепади.

Не гап бўлса дилида,  
Аён бўлар тилида.

Очиқнинг кўнгли ёруғ,  
Оёғига қон чориғ.

Содда сири тилида,  
Писмиқ сақлар тилида.

Чақиниб турган чаёндан  
Биқиниб ётган илон ёмон.

Ўхшамагин тулкига,  
Қоларсан кўп кулгига.

Қалбалик бир кун қувонтирса,  
Минг кун мункайтирар.

Андишани отини кўрқоқ кўйма.

Биров бураб гапирар,  
Биров қараб гапирар.

Етимни сийласанг,  
Чориғи билан тўрга чиқар.

Лўлидан бек чиқса, чодирга ўт кўяар.

Ошган бўлсанг, осарлар,  
Юввош бўлсанг, босарлар.

Пашшанинг маҳмадонаси ахлатга кўнар.

Сўзласам шақ- шақ дейди,  
Сўзламасам, аҳмоқ дейди.

Сўзли шаллақидан сўзсиз писмиқ ёмон.

Таваккал андиша билмас.

Туянинг думи калта бўлса ҳам,  
Тулкидан дум сўрамас.

Уяти йўқ ўғил ёмон,  
Қилиғи бузуқ қиз ёмон.

Уятлига – уч кун ҳайит,  
Уятсизга – ҳар кун ҳайит.

Шалтоқ бўлсанг ҳам, шилқим бўлма.

Хотининг олтинга ўч бўлса,  
Заргарга ўйнаш бўлар.

Эр юрса, йўли очилар,  
Хотин юрса, юзи очилар.

Эшак семирса, эгасини тепар,  
Ит семирса, эгасини қопар.

Юзсиз, юзсизнинг сўзи - тузсиз.

Ўрдак ўзини ғоз санар,  
Чумчук ўзини боз санар.



Ўрик ўрикни кўриб ола бўлади,  
Одам одамни кўриб бало бўлади.

Қамиш сувдан тўймас,  
Ёмон хотин – тўйдан.

### **Ақллилик ва аҳмоқлик**

Аёлнинг ҳусни пардозда эмас, ақлида.

Айрон ош бўлмас,  
Нодон бош.

Анқов ўйин бузар,  
Тентак – уйин.

Ақлдор бўлса йигитнинг хотини,  
Яхшиликка чиқарар йигитнинг отини.

Ақли калта панд ейди,  
Ақли теран- қанд.

Ақли кирмаган қаридан,  
Зийрак туғилган бола яхши.

Ақлли ақлига йўлдош,  
Ёмон ёмонга қўлдош.

Ақлли бахт топар,  
Бахт билан тахт топар.

Ақлли десанг аҳмоқни,  
Бошга урар тўқмоқни.

Ақлли дўст – роҳат,  
Ақлсиз дўст- офат.

Ақлли иш севар,

Ақлсиз – сўз.

Ақлли ишига ишонар,

Ақлсиз – тушига.

Ақлли кенгаш қилар,

Ақлсиз - уруш.

Ақлли нақллаб сўзлар,

Ақлсиз лақиллаб сўзлар.

Ақлли отини мақтар,

Аҳмоқ – хотинини.

Ақлли узоқни кўзлар,

Аҳмоқ – яқинни.

Ақлли ўзини айблар,

Ақлсиз – дўстини.

Ақлли ўйлагунча, тентак сувдан ўтар.

Ақлли қария – оқиб турган дарё.

Ақллига – хурмат, ақлсизга калтак.

Ақллига айтдим, англади – билди,

Ақлсизга айтдим, шақиллаб кулди.

Ақллига айтсанг, билади,

Ақлсизга айтсанг, кулади.

Ақллига бир сўз бас,

Ақлсизга минг сўз оз.

Ақлидан эл рози,  
Ахмоқдан дил норози.

Ақлини беақлдан ўрган.

Ақлсиз гап ташир,  
Оқибатда бош қашир.

Ақлсиз душмандан бир сақлан,  
Ақлсиз дўстдан минг сақлан.

Ақлсиз дўстга кулар,  
Ақлли дўстни суяр.

Ақлсиз – жаҳлли,  
Жаҳлсиз – ақлли.

Ақлсиз хотин хуснини кўз-кўз қилар,  
Ақлли хотин ақлини.

Ақлсизга оға бўлгандан,  
Ақллининг оловини ёққан афзал.

Ахмоқ ахмоқ эмас,  
Ахмоқни ахмоқ қилган ахмоқ.

Ахмоқ бошдан ақл чиқмас,  
Ақл чиқса ҳам, маъқул чиқмас.

Ахмоқ сўзлар, ақлли тинглар.

Ахмоқ ўзи билмас,  
Билганнинг сўзига кирмас.

Ахмоқ ўзин билдирар,  
Тўғарагин кулдираар.

Аҳмоқни ўзини мақтар,  
Тентак қизини.

Аҳмоқ –ўйнашда,  
Яхши – ўйлашда.

Аҳмоқнинг ўз билгани,  
Гапирмаса, ўлгани.

Аҳмоқнинг ўзи билмас,  
Ўзгани кўзга илмас.

Аҳмоққа айтган билан гап ўқмас,  
Харсанга қоққан билан мих ўтмас.

Аҳмоққа салом бердим,  
Беш танга товон бердим.

Ботирдан яхши иш қолар,  
Донодан – сўз.

Инсон – ақли билан,  
Доно – нақли бил.

Кўп ўқиган олим бўлса,  
Кўпни кўрган доно бўлар.

Кўр сийпаб топар,  
Ақли – ўйлаб.

Тентак тўрини бермас,  
Телба – тўнини.

Тентак ўйлагунча,  
Ақли сувдан ўтар.

Яхши раҳбар – чин падар.

Ҳовузда қурбақа вақиллайди,  
Нодон- даврада.

### **Инсоф ва инсофсизлик.**

Даъвогар сушт бўлса,  
Қози муттаҳам бўлар.

Инсофи борнинг баракати бор.

Инсофи йўқнинг имони йўқ.

Инсофли ошини ер,  
Инсофсиз бошини.

Кўр бўлсанг ҳам, кўрнамак бўлма.

Кўрган кунингни унутма,  
Хом чориғингни қуритма.

Ношукурда шукур бўлмас,  
Нонкўрда – узр.

Порахўр – бойимас,  
Ўғри – койинмас.

Порахўрнинг тавбасидан кўрқ,  
Муғомбирнинг – йиғисидан.

Порахўрнинг қўли тўртта,  
Кўзи – бешта.

Ўғрининг уйи кўп,  
Тўғрининг уйи йўқ.